

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

ЖАЛИЛОВА АЗИЗАНИНГ

5220100 – ўзбек филологияси таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун

**“ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА ПУБЛИЦИСТИКАСИДА
МУАЛЛИФ ОБРАЗИ”**

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Илмий раҳбар:
фил. фан. номз., доц, У.Ўлжабоев***

Гулистон-2016

Режа:

Кириш

I боб. Турсуной Содикова публицистикасида муаллиф образи талқини

- 1.1. Публицистик асарларда инсон маънавияти масаласи
- 1.2. Муаллиф образининг очилишида ҳаётӣ асоснинг аҳамияти

II боб. Шоира публицистикасида бадииятнинг ўрни

- 1.1. Публицистик асарларда услуб масаласи
- 1.2. Маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Истиқлол даври адабиётитобора ривожланиб, шаклланиб, ўзининг муҳим шакли ва мазмунига эга бўлиб бормоқда. Бунга бу даврда яратилган кўп сонли публицистик асарлар ва улар орасида савия жиҳатидан бақувват ижод намуналари ҳам мавжудлиги асос сифатида келтириш мумкин. Публицистик асарларнинг миллий адабиётимиз шаклланишидаги ўрнини ҳисобга олиб, уни ҳам бадиий адабиёт намунаси ёки миллий адабиёт қадрият сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ жиҳатлардандир. Мафкуравий яккаҳокимликдан қутилган ўзбек адабиётида эркин ижод қилиш, эркин фикр асосида мавжуд жараёнга муносабат билдириш кучайиб бормоқда. Шунингдек, ўтаётган даврда мафкуравий етукликка эришиш учун ҳам ёшлар онгида миллат қаҳрамонларига эътироф ва ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги кун бадиий адабиётининг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Бадиий публицистикада янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ўрганиш, уларнинг савиясини белгилаш, китобхонларни яратилаётган бадиий мукамал асарлардан хабардор қилиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Шундай ижодкорлардан бири севимли шоирамиз Т.Содиқова бўлиб, бугунги тезкор ахборот асрида инсон маънавиятини шакллантириш каби долзарб муаммоларни илгари суриш, шу мавзуда қалам тебратиш шу куннинг долзарб илмий муаммоларидан ҳисобланади. Бу масала бизнинг битирув малакавий ишимиз мавзуси долзарблигини асослайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу БМИнинг асосий мақсади Турсуной Содиқова публицистикасида муаллиф образининг ўрни масаласини атрофлича тадқиқ этиш орқали бадиий публицистика тараққиётига қисман назар ташлаш ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга кришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мўлжалланган:

- Т.Содиқова публицистик асарларини ўрганиш орали уларнинг мазмун-моҳиятига назар солиш;
- Т.Содиқова бадиий публицистикасида муаллиф нутқида алоҳида эътибор қаратиш;
- Публицистик асарларида қаҳрамон тавсифида бадииятининг ўрнини аниқлаш;
- Публицистик асарларида асар тили, бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиш ва ёзувчи ғоявий мақсадини тадқиқ этиш;
- Публицистик асарларида бош қаҳрамон характерлари талқинида ёзувчи маҳоратини асословчи бадиий унсурларни аниқлаштириш кабилардан иборат. Бунда композиция ва сюжет унсурларининг қўлланилиши ҳам назарда тутилади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида бадиий публицистика хусусида анчагина ишлар амалга оширилган. Ёзувчилар асарларининг ғоявий – мазмуний жиҳатидан таҳлил этилиши ва публицистик асарлардаги ижтимоий-маиший муаммолар, уларнинг талқин этилиши танқидчилар томонидан кенг ўрганилган. Бу борада, айниқса, О.Шарафиддинов¹, У.Норматов², У.Ўлжабоев³, Ҳ.Каримов⁴ ва бошқа⁵ адабиётшунос, мунаққидларнинг хизматлари беқиёс. Мазкур олимларнинг саъй – ҳаракати билан мустақиллик даврида шаклланган асарларининг ғоявий-бадиий қиммати, эстетик аҳамияти ҳамда ёзувчиларнинг бадиий публицистикасида тутган ўрни ўзига хос тарзда ўз

¹Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. - 438 б.
Шарафиддинов О.Истеъдод жоллари. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 229 б.

²Норматов У. Етуклик. –Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.

³Ўлжабоев У. Мардлик ва матонат тасвири. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. - 148 б.

⁴ Каримов Ҳакимжон. Ижод ва истеъдод. /Адабий портретлар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. 125-б.

⁵Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1999,- Б.407.

баҳосини топди. Ижодкорлар шахси кенг китобхонлар оммасига таништирилди.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Мазкур битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундаки, бу ишда таниқли шоира Турсуной Содикованинг бадиий публицистик асарларидаги адабиётшунослар томонидан баҳоланмаган маънавий-ахлоқий масалалар илк бора таҳлилга тортилган. Публицистик асарлардаги муаллиф образи талқини ҳам ўзига хос янгилик. БМИда маънавий-ахлоқий муаммолар талқинида ёзувчи маҳорати масаласи ҳам асосий муаммо сифатида қўйилган ва бунда эсселарнинг бадиий жиҳатини ўрганиш ҳам назарда тутилган.

БМИдан эришиладиган натижа асосан Т.Содиқова публицистик асарлари бадииятининг атрофлича ўрганиш ва маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида ёзувчи маҳорати масаласини тадқиқ этишга эътибор қаратилганида.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур иш шу кунгача Т.Содиқовапублицистик асарларида муаллиф образи ва ёзувчи маҳоратини ўрганишдаги айрим ишлардан кўплаб асарлар таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир. Чунки ушбу асарларнинг айримлари ҳали адабиётшуносликда ўзининг баҳосини олмаган. Ушбу тадқиқотдан юқоридаги эссе ва мақолалар ёзувчи маҳоратининг мукаммал шаклдаги тавсифида, шу мавзудаги илмий тадқиқот ишларида, БМИларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. Мазкур БМИ кириш, икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА ПУБЛИЦИСТИКАСИДА МУАЛЛИФ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

1.1. Публицистик асарларда инсон маънавияти масаласи

Севимли шоирамиз Турсуной Содиқова хусусида, унинг публицистик асарлари ҳақида сўзлашдан олдин шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти хусусида сўзлаш жоиз.

Турсуной Содиқова 1944 йил 24 мартда Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. У икки ёшлигида оиласи Тошкент шаҳрида яшай бошлади. 1961 йилда ҳозирги Шайхонтохур туманидаги 82-ўрта мактабнинг ўнинчи синфини тугатди. 1966 йилда эса Миллий университетнинг (у пайтдаги ТошДУ) филология факультетини имтиёзли тамомлади. Унинг биринчи шеъри 1961 йилда «Ленин учқуни» рўзномасида босилган. Ҳозиргача бешдан ортиқ тўпламлари чоп этилган. «Қизлар дафтари» (1973) шеърий туркумининг ташкилотчилари ва муаллифларидан биридир. Шоиранинг биринчи шеърий гулдастаси «Куй» номи билан 1978 йилда чоп этилган. Дастлабки меҳнат фаолиятини Андижон шаҳрининг мактабларида бошлади, шаҳар ёшлар кўмитасида бир неча йил мактаблар бўлимини бошқарди, аммо ўқитувчиликни меҳр қўйган асосий касби деб билди. Етмишинчи йилларнинг бошидан бошлаб республика матбуотида унинг маориф ва тарбия муаммолари мавзусидаги мақолалари чоп этила бошлади. Шу йиллари Республика халқ таълими вазирлигининг қатор Фахрий Ёрлиқлари билан тақдирланди. 1979 йилдан бошлаб Андижон Тиллар педагогика институтида катта ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди. Унинг маънавий тарбияга бағишланган "Андиша", "Меҳригиё", "Бахт нима" каби рисоалари у йиллари чоп этилди. Худди шу йиллари Турсуной Содиқова "Эркин Воҳидов шеъриятида анъана ва новаторлик" мавзусида илмий изланишлар олиб борди ва унинг натижаси ўлароқ "Ўзбек шеъриятида

анъана ва новаторлик" ва "Эл устозим" каби китоблари дунёга келди. Олий мктабдаги хизматлари учун 1986 йилда "Шавкатли меҳнати учун" медали билан мукофотланди.

У 1991 йили вилоят аёллар қўмитасининг раиси этиб сайланди ва шу йиллари жамоатчилик асосида вилоят Болалар фонди раислигини ҳам бирга олиб борди. Унинг ташкилотчи сифатидаги имконлари шу даврда чикди: ўша йиллари Андижон вилоятининг қатор йирик корхоналарида ҳомиладор аёллар учун меҳнати енгиллаштирилган алоҳида цехлар очишга муваффақ бўлинди. Жамоа хўжаликлари ва катта корхоналарда аёллар ташкилотчиси деган маошли иш ўринлари биринчи бўлиб Андижон вилоятида жорий этилди. Шу ҳаракатлари туфайли Турсуной Содиқованинг ўзи ҳам элга танилди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланди.Шоира 1996 йилдан бошлаб Республика маънавият ва маърифат марказида бўлим мудир сифатида иш бошлади. Унинг жонкуяр тарбиячи, воиз, публицист сифатида танилиши шу даврга тўғри келади. У маънавият ишлари ташкилотчиси сифатида республикада туман маънавият бўлимларини ташкил этишда қатъийлик кўрсатди, маънавиятни фан сифатида ўқитилишини амалга оширишда жонбозлик кўрсатганлардан бири бўлди. Турсуной Содиқова маънавият соҳасидаги хизматлари учун 1998 йили "Шухрат" медали билан мукофотланди.Унинг ахлоқ-одоб масалаларига, оила муомалаларига бағишланган илмий, бадий-фалсафий асарлари: "Меҳр колур"(1997), "Ҳазрати аёл"(1998), "Ёнингдаги бахт"(1999), "Болам дерман" (2000), "Ўғлим сенга айтаман ва қизларга аталган сўзлар" (2002), "Келин бўлиш илми"(2003), "Куёв бўлиш илми"(2003), "Қайноналик илми"(2003), "Оға-инилик илми"(2003), "Ризолик излаб"(2004), "Яшаш тилсими"(2004), "Мураббий ким?"(2006), "Нозик савол"(2007), "Жаннатим онам"(2007) китоблари эл кўлида ўқилиб турибди, демакки, эътирофга сазовор бўлмоқда.Шоиранинг 1976-1995 йиллар оралиғида "Куй", "Гул фасли", "Дил

гавҳари", "Иқбол", "Излай-излай топганим", "Гиря" номли шеърӣ тўпламлари чоп этилди.

Т.Содиқова ижодининг туб моҳиятини унинг маънавий-ахлоқий қарашлари ташкил этади. Шоира ўзбек миллатининг келажаги бугунги замондошларимизнинг маънавий қиёфаси, улар тарбиялаётган ёшларнинг ахлоқи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қуйидаги сўзларда баён қилади:

«Инсон барҳаётлиги Қуёш, Сув, Ҳаво ва Бошоқ биландир. Бандаси яшаяпман дейди, улғайяпман дейди. Завқу шавқ билан ижоду ихтиро қилади. Аммо бирор марта уни тирик ушлаб турган нур, сув, ҳаво ва нон ҳақида гапирмайди, ёд этмайди! Адабиёт одамзот жисмига ана ўшандай сингиши керак. Бу балки мен учун кўл етмас тилақдир, аммо барибир китобхоннинг очикқан хужайрасини тўйдирадиган БУҒДОЙИ СЎЗ бўлгим келади. Роҳат қилиб эшитиладиган бир куй бўлсам бўлди! Одамлар ҳа деганда “тилимизнинг учидагини айтасиз” деяверадилар. Буни эшитгач, ҳафсалам пир бўлаверади. Ҳамма биладиган гапни айтсам, ижодкорлигим қайга борди деб, ғашланиб юраман. Мухлислар эса сени қидиришини қўймайди. Кейинчалик англадимки, четдан бир тасдиқ бўлмагунча инсон ўзи келган тўхтамга ишонмай тураверар экан. Сизнинг битта гапингиз билан тўхтаб турган арава жойидан жилиши, ҳаракатсизлик фаолиятга айланиб кетиши мумкин экан. Адабиётнинг муроду мақсади ҳам аслида шу эмасми! Қаламкашнинг вазифаси китобхонни ўз-ўзини таҳлил қилишга ундаш, ўзига ўзини ишонтиришдир. Бунинг учун эса халқ билан унинг дилининг тилида гаплаша олиш керак. Мен ҳам ана шу илинжда куймаланиб яшаб боряпман. Гоҳида “бугунги китобхонга ёқадиган китоб ёзиш унинг савияси билан тенглашишдир” деган лўқмаларни эшитиб қоламан. Халқни оёғи билан кўрсатган бу одамнинг оти КИБРдир. “Аллоҳ бир-бирингизга молу жонингизни, обрўйингизни муқаддас қилди” дейилади ҳадиси шарифда. Сиз “савияси кўтарилмаётган халқ” деб таърифлаган одамлар елкаси елкангизга тегиб турган замондошингиз-ку! Ҳақ қўлингизга қалам бериб, сизни уларга

масъул сайлаб қўйибди-ку! Сиз эса димоғингизни кўкка қадаб, “менинг ақлли битикларимни келажак тушунади” дейсиз-а! Аввало, сизни сиз билан бир ҳаводан нафас олиб, бир хил нон еб, бир қозонда қайнаётганлар тушунмаяпти-ку, келажак тушунадими? Қолаверса, келажакдаги зурриёдлар ақллироқ бўлишини хоҳласангиз, уларни дунёга келтирадиган бугунгиларни юксалтиришга кўмак беринг. Бу юмушга сиздан, мендан, ўзимиздан бошқа масъул одам йўқ!

Буюкликҳамишаоддийликданамоёнбўлади. Тоғларнинг буюк нуқтаси чўққидир. У шу туришида нақадар оддий, тушунарли ва ҳаммага бирдай кўринади. Ҳамманинг унга интилгиси келади. Ўша оддийликка етказсин ҳаммамизни»¹.

Кўриниб турибдики, Т.Содиқованинг ҳаётий концепцияси ўзининг сўз айта олиш имкониятидан фойдаланиб, инсонларнинг, замондошларининг маънавий қиёфасининг ижобий жиҳатдан шаклланишига ўз ҳиссасини қўшиш. Бу йўлда ўз билими, ҳаётий тажрибасини аямасдан ҳаракат қилиш. Ўзи англаётган тушунчаларнинг кишилар қалбига таъсир этиши учун бор маҳоратини ишга солиш орқали келажак авлоднинг ўз миллатига, ўз Ватанига муносиб ворислар бўлиб етишишларига оз бўлса-да ҳисса қўшишдан иборат, дейиш мумкин.

Т.Содиқованинг ҳар бир ҳаётий тушунчалар, инсоний муносабатлар юзасидан ўз дунёқарашлари мавжуд. Мана шу дунёқарашларнинг кўпчилиги ҳаётий асосга эгаллиги ва ўқилиши ёки эшитилиш билан инсонлар қалбидан чуқур жой олиши билан ажралиб туради. Шоиранинг юқорида таъкидлаганимиздек, инсоний муносабатларнинг кўпчилиги хусусида муносабат билдирилган қатор публицистик асарлари мавжуд. Хусусан, "Муҳаббат нима?" рисоласи шоиранинг "Шахс маънавияти" рукнида тайёрланган китоблари мажмуасига киритилган. Адиба инсонлар ўртасидаги муҳаббат туйғуси ҳақида шундай дейди:

¹www.e-adabiyot.uz. Биринчи рақамли воиз – Т.Содиқова. pg.3.

«Инсонни поклайдиган, улғайтирадиган ҳам муҳаббат, бахт ёки бахтсизликка етаклайдиган ҳам муҳаббатдир. Дунё эскириши мумкин, аммо бу мавзу эскирмагай! Барча соҳадаги хатолар ўнгланиши, адашишлар тўхташи мумкин. Аммо муҳаббатнинг кўчаси ҳамиша куйганлар, адашганлар ва мажнунлар билан тўлиб-тошган бўлади. Дунёни қайта қуришга қодир ёш инсон кўпинча ўз ҳис-туйғуларини бошқара олмай қолади. Ҳаяжонлар, эҳтирослар тўфони баъзан уни кўз очиргани қўймайди, билиб-билмай қадам босиб қўйишлари ҳам шундандир. Ёш юрак баъзан муҳаббат нимаю, ўтар-кетар ёқтириш нима, нафс нима эканлигини ажратолмай қийналади. Гоҳида тафаккури мудраб қолиб, шайтон билан ўртоқлашади»¹.

Муҳаббат хусусида шоира томонидан айтилган юқоридаги фикрлар шу пайтгача илгари сурилган барча қарашларнинг хулосаси ёки умумлашмаси, дейиш мумкин. Ушбу фикрлардан инсонларга хос бўлган ушбу илоҳий туйғунинг қанчалик нозик ва қанчалик қарама-қарши йўналишлардан иборат ҳиссиёт эканлиги ҳақидаги хулоса фикрни уқиш мумкин.

«Ҳар бир инсон бир тажриба хонаси. Умринг ўтар экан, бу дунёнинг хуш-нохуш ранглари, турфа таъмларини қабул қила-қила жисму жонинг минг силкиниб, минг букилиб ва яна қайта расоланиб бораверар экан. "Аллоҳнинг ҳамма иши яхшиликка" эканлиги нақадар ҳақ! Ки кўргилигинг кўпайиб, ёшингга ёш қўшилгани сари феълинг тиниб, ақлинг пишиб, зукко табибдай, тегрангдаги ҳодисотларни тиниқ уқадиган ва не ташхис қўйсанг, тўғри чиқадиган бўлиб қоларкан. Икки оғиз сўзинг билан кимдир йўлга тушиб турса, яқинларинг ва бола-чақаларингнинг муаммолари сен туфайли ечилиб турса, қандай мароқли! Аммо, "мана энди тажрибам бор, бу ёғига маза қилиб яшайман-да", деганингда қарасангки, бу дунёнинг чиқар эшиги кўриниб қолади. Қулоқ солсанг, юрагингнинг соати ҳам суст ураётгандай! "Ие, бу ёғи кун ботар-ку",-дейсан! "Мунча тез? Қўлимдан эндигина иш

¹www.e-adabiyot.uz. Биринчи рақамли воиз – Т.Содиқова. pg.4.

келганда-я!"-деб ичинг зил кетади! Аммо инсончиликнинг фарзи-кўнмоқ! Қисматдан қочиб бўлмас»¹. Турсуной Содиқованинг ушбу фикрлари ёши бир жойга борган инсоннинг ўз ҳаёт йўли ҳақидаги сарҳисобини эслатади. Адиба ва шоира юқоридаги фикрлари орқали ўзининг босиб ўтган машаққатли ҳаёт йўлидаги нурли жихатларга эътиборни қаратади. Яъни, у туфайли айрим инсонларнинг ўз ҳаётида туб бурилишлар ясаганликлари ва шу туфайли оиладаги хотиржамликка эришганлари ҳақида сўзламоқда. Инсонлар ҳаётини тўғри йўлга солишда адибанинг айтган сўзлари, ҳаётий ҳикматлари сабаб бўлганлиги эътибордан ҳоли эмас. Турсуной содиқованинг ҳикматлари туфайли ҳаётдаги икки йўлдан тўғрисиани танлаганларнинг сони саноксиз эканлигига кўплаб мисолларни адибанинг беш жилдлик «Танланган асарлар»и таркибида кузатиш мумкин. Хусусан, асарларнинг 3-жилди таркибидаги «Сўз сеҳри» бўлими шу ҳақидадир. Унда ўз оиласини тарк этаётган аёлнинг телевизордаги Турсуной Содиқованинг сабрсиз ва чидамсиз аёлларни ўз рўзгорларидан воз кечиши ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақидаги мурожаатини эшитган заҳоти ортига қайтиб, оилавий муаммоларни ақл билан бартараф қилиб бахтга эришганлиги ҳақидаги, ёки йигирма беш йилдан бери қайнонаси билан гаплашмай юрган келиннинг Турсуной опанинг суҳбатидан сўнг ўз хатосини тўғрилаганлиги ҳақидаги, ёки бўлмаса, бир эркакнинг опанинг ваъзларидан сўнг ўз оиласига қайтиб келиб, аёлини ва фарзандининг бахтли бўлиши учун ҳаракат қилганлиги ва бу мақсадга эришганлиги каби ўнлаб мисолар келтирилган. Бундан китобхоннинг ҳам кўнгли мунаввар бўлади. Адибага нисбатан инсонларнинг ҳурмати янада юксалади. Бунга унинг сўзни яхши ифода қилиш санъати сабаб бўлади. Бу ҳақида адибанинг ўзи шундай деган:

«Сўз излаш, сўз ўйлаш, сўзга ранг-тус бериш, уни чиройли ижрода тақдим этишга уриниш, кўзларни, кулоқларни ўзингга мубтало қилиш учун жон терига тушиб жанг қилиш, бу дегани сўзда ўлиб, сўзда тирилиш менинг

¹www.ziyouz.uz. Турсуной Содиқова. pg.1

ҳаёт тарзимга айланди»¹. Бу сўзларидан адибанинг ўз вазифасини ўта масъулият биланадо этиши, жон койитиши кўринади.

«Инсончилик – нуқсончиликдир. Киши ҳар доим ҳам ўзини бирдай бошқараолмайди, қадамида унга журъатсизлик, хавотир, тажрибасизлик халақит беради. Гоҳо кўзи мўлтираб нажот, суянч излаб қолади. Ана ўшанда китобларга, ҳикматларга ва доно инсонларга талпинади. Улардан куч, нур, илм олади ва ҳар гал дадилланиб яшамоққа шайланади»². Т.Содиқованинг ушбу сўзлари ҳам ўзининг айтадиган сўзининг асл манбалари ҳақида маълумот беради, ҳам тингловчиларга мана шу манбалар уларнинг оғир вазиятда тўғри йўлни танлашларида қўл келишига, ёрдамчи бўла олишига умид билдиради. Бу ўринда айтилаётган китоблар ҳар қандай китоблар эмас, донишмандларнинг сара асарлари ва ҳаётда ибрат бўла оладиган, ислом динининг асл манбалари бўлган «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси шариф»ларнинг шрни алоҳида эканлигига ишора қилмоқда.

«Разм солинса, аксарият ёши улуғлар насихатгўйликка мойил бўлиб қоладилар. Буни ҳаргиз уларнинг қусури деб бўлмас. Ўтиб бораётган одам савоб ва гуноҳлар ичида хомталаш бўлиб турган жондир! Бу ҳолат унинг хатолари тобора кўзига кўриниб савоб ишларни кўпайтирай деса, умрини, кучини етказа олмайётган надоматли давридир. Киши билими ошиб-тошиб кетгани учун бировга ақл ўргатмайди. Билимлилар қаторига қўшилгунча хатолар, адашишлар заҳматини ўзи обдон тотгани учун ҳам, изидан келаётганларни огоҳлантиришга ошиқади, осонроқ йўлни кўрсатгиси келади. Буни улар ўзларини поклаш учун, яъни Яратганнинг розилиги учун қиладилар. Бировнинг билмаганини куюниб билдираётган одам, яъни янги хатоларнинг олдини олаётган одам ўз гуноҳларидан мосуво бўлаётган кишидир. Бу тавба қилишнинг энг чиройли йўлидир! Катталар бизга "ундоқ қилманглар, ёмон бўлади, бундоқ қилманглар, ёмон бўлади", дея

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 3-китоб-Ҳаёт тилсими. –Т., Ўзбекистон, 2013. 257-бет.

²Ўша китоб, 3-бет.

укдиришарди. Аслида бу гапларнинг маъзида «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси шариф» мурожаатлари жамлигини мана энди уқдик. Мустақиллигимизнинг равнақи учун, кўзлаган режаларимизнинг сидқидилдан амалга ошириш учун фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш, яъни шахснинг ўзига бўлган талабини ошириш, унинг ички имкониятларини юзага чиқаришга кўмаклашиш гоят муҳимдир. Инсон қалбан покланмагунча жамиятга фойдаси бўлмас. Ҳадислар эса инсон руҳиятини тозаловчи халқчил, сингишимли омиллардан биридир»¹. Турсуной Содиқованинг сўз бойлигининг асосий манбалари хусусидаги ушбу сўзлардан бу адибанинг дунёқарашлари ва айтаётган ҳикматлари замирида миллий ўзлигимизни англатувчи урф-одатлардан ташқари ислом ақидаси ҳам мужассам эканлиги улар миллий ўзлигимизни англашда, шарқона одоб-ахлоқнинг шакллантирилишида муҳим омил бўлишига ишонч билдирилмоқда.

Бирор киши билан дўстлашсангиз, юрагингизда бу дўстликнинг тарихи албатта бўлади. Унинг қачон ва қандай бошлангани хотирангизда ҳамиша сақланиб туради. Дўстни кўз эмас қалб кўзи топади. Ҳеч бир таъсурот уйғотмаган кишини эса ўзингиз сезмаган ҳолда унутиб юборасиз. Кўнгил салтанатининг бешавқат қонуни – бу!

«Турсуной опа ҳар сўзга зеб бериб, маржондай ярақлатиб, ҳар ҳарфини жаранглатиб, ўзи эркаланиб, тингловчиларни эркалатиб, баҳри дилни яйратиб гапиради. Бунда усул оддий инсонларга хос эмас. Улар гапни лўнда, оддий жумлалар билан айтиб қўя қолишади. Лекин Турсуной опа фақат чиройли сўзларни гапирмасдан балки маънога алоҳида урғу беришга ҳаракат қилади. Уни етказиш учун ифодавийликдан фойдаланади. Қурбонжон додҳонинг мардлиги, жасорати ҳақида гапираётганда, сўзлари исёнкорона руҳи билан қалбларга сингади. Мана шу исёнкор руҳ кейинчалик, Турсуной Содиқова ижодининг гултожига айланган. Бу руҳ, гоҳ яширин, гоҳ

¹www.ziyouz.uz. Турсуной Содиқова. pg.1

беркитилган, гоҳ манаман дея, барча асарлари пойдеворидан жой олди. Бу исён, ҳоҳ каттадир – ҳоҳ кичикдир барчани ўзига оҳанграбодек тортади»¹.

Турсуной опанинг ўзига хос жиҳатларидан бири ушбу ижодкор фақат минбарда эмас, ҳаётда ҳам жўмард ва жасур эканлиги ҳақида фактлар талайгина. Хусусан, бир воқеа бунга мисол бўла олганлиги манбаларда кўринади.

Т.Содиқова студияда интервью бераётганда, телевидения раҳбарларидан бири, фалончи шоирни озгина “ёмон”лаб гапириши кераклиги, бу қатъий топшириқлиги, шундай қилинмаса бўлмаслигини айтиб, опанинг рўпарасига ўтириб олди. Опа гапга уста эди. Истаган шоирдан истаганича хато топиши, бўйи узунни узун деб кулиши, калтани калта деб масхаралаши мумкин эди. Айтинг, кимда хато йўқ. Лекин опа гапирмайман деб туриб олди. Шунда, раҳбар опани қулоғига таҳдид билан ниманидир тажовузкорона пичирлайди. Афтидан, “Сиз ҳам қўшилиб йўқ бўлиб кетасиз” – дейди. Шунда опа ўрнидан даст туриб, “Йўқ, мен ёлғон гапиролмайман, бировга тухмат қилолмайман, кўрмаган нарсамга гувоҳлик беролмайман, у билан ҳамкасб бўлсам, эртага кўз-кўзга тушганда, кўзига қандай қарайман, одамлар олдида нима деган одам бўламан, ёлғон сўзлаб мукофот олгандан, шу мукофотни олмаганим бўлсин!” – дейди. Раҳбар, студиядан чиқиб кетинг, ишорасини қилди. Ярмигача ёзилган кўрсатув, чалалигича қолиб кетади. Вазият ташқарида зоҳиран қанчалик аянчли, мағлубиятли бўлмасин, ичкарида ботинан қувончли, зафарли эди. Бу воқеа инсонийлик нуқтаи назаридан ижодкорнинг ўзига хос тамойилини белгилаб берувчи омиллардан бири десак муболаға бўлмайди. Айнан Турсуной Содиқовага хос холис муносабатдаги ижод намуналари айнан мана шу омилдан озиқланганлигига шубҳа қисмаса ҳам бўлади. Т.Содиқова шуҳратпараст бўлганида, ўзини кўз – кўз қилишни яхши кўрганида, гапиришни яхши кўрганида, ҳақиқат учун эмас,

¹www.e-adabiyot.uz. Биринчи рақамли воиз – Т.Содиқова. pg.4.

халқ учун эмас, ўзи учун яшаганида, ўз манфаатини бошқа ҳамманинг манфаатидан устун қўйганида ўша кун минбарни тарк этмаган, тайин турган мукофотдан воз кечиб кетмаган, ва унинг бу кетиши кейинчалик бошига жуда кўп ғавғоларни бошлаб келмаган ва бу ғавғоларга қарши курашиб, бир неча ойлар, йиллар давомида шифохонада ярим жон хаста ётмаган бўлар эди. Ўша куниёқ унинг ўрнига минбарга чиққан, уялмай – нетмай ёлғон ва тухматларни қалаштириб, оғзини тўлдириб гапирган, ўзини эркакман деб юрган баъзи ёзувчиларни кўриб, ингроқ ва азобдан кўзига ёш келмаган бўлар эди. Лекин, ёлғон гапиролмаслик, бировга тухмат қилолмаслик Т.Содиқованинг энг катта ютуғи эди. Одамлар опани яхши кўришининг сабаби ҳам шу бўлса керак.

Инсонлар қалбида уйғонган эҳтиром адибани руҳлантириб, теран фикрларини баён қилишига сабаб бўлса, эҳтимол. Чунки Т.Содиқова асарларидаги сўзлар баъзан дардли, баъзан ибратли, баъзан ҳазилнамо бўлиб, лекин бари юксак салоҳиятли, виждони пок, халқимизнинг азиз фарзандининг сўзлари эканлиги билан ажралиб туради.

«Турсуной опа онам айтганидай ҳақиқатдан туғма шоира. Сўз, опанинг тилига дарёдай мавжланиб бетўхтов қуйилиб келади. Битта воқеага ўн марта изоҳ берса, берган изоҳлари ўн хил гулдастага ўхшайди. Бири – биридан гўзал ва жозибадор, ёқимли ва мафтункор. Алишер Навоий бобомизда шундай сўзлар бор: “Кимнинг миясида иллат кўп бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса, гап сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади»¹. Кўпгина нотиклар, воизлар гапни маромига етказиб гапираоладилар-у, айтган сўзларингизни қоғозга тушириб беринг, десангиз, иккита жумлани улолмай, тўқсонга хатога йўл қўядилар. Кесим олдинда, эга орқада қолиб кетади. Турсуной опанинг ёзганларида равонлик, гўзаллик,

¹www.e-adabiyot.uz. Биринчи ракамли воиз – Т.Содиқова. pg.5.

жозибадорлик ярқ этиб туради. Буни шоиранинг яратган асарлари мисолида кўриш мумкин.

Воизлик ҳақида Турсуной опа шундай дегандилар: “Воизнинг юраги булбулзор, бўғзида оҳанг қайнайди. Воизнинг нутқи юракларни эритувчи бир кўшиқдай: Авжлари титроқли, сўзлари камалак рангли, овоз пардалари қочиримларга бой бўлиши керак. Воиз дафтарга тўпланган ҳужжатлар, китоблардан кўчирилган иқтибослар ёрдамида мавзу ёритиб борувчи нотик эмас, минбарда муолажа олиб бораётган табибдир”¹. Мамлакатимизда воизлар жуда сероб. Лекин энг тажрибали ва сўзини йўқотмайдиган, ҳар қандай вазиятда инсонларга, тингловчиларга сўзни топиб гапирадиган воизлардан бири албатта, Турсуной Содикова десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда китоблари кўп чоп этилаётган, ва энг кўп ўқиладиган маърифатпарвар аёл адибаларимиздан бириҳам, албатта Турсуной Содикова эканлиги барчамизга аён. Чунки опанинг ҳаётимизни ҳар бир жабҳасига нисбатан ўз дунёқараши, ўз фикри, нуқтаи назари бор. Буни Т.Содиқованинг бир мухлиси айтиб берган воқеадан ҳам кузатиш мумкин. Тамадди қилиб, озгина суҳбатлашиб ўтириш учун ошхонага кирганларида, опа ошхона хизматчисини чақириб, чой иссиқ туриши учун чойнаклар устига чиройли қалпоқлар тиктиришни маслаҳат берганлар. – “Бу ҳам миллатимизни бир кўрки, миллатимизни бир анъанаси. Миллат мана шундай кичкинагина урф-одатларни аста-секин тиклаб боришдан юксалади” – деганлар. Ушбу ошхонага юзлаб зиёлилар, олимлар кирган, ҳаммаси ҳам шундай қилинса яхшилигини билади, лекин бирортаси бу ҳақда чурқ этиб оғиз очмаган, гапирсам бирор нарса ўзгарармиди қабилада иш тутган. Лекин Турсуной опа индамай кетолмаган, бунга виждони йўл қўймаган. Бу ҳолатнинг омили Турсуной опанинг ўз сўзини дадил айта олиши ва бу

¹www.e-adabiyot.uz. Биринчи рақамли воиз – Т.Содиқова. pg.5.

сўзнинг инсонлар учун оз бўлса-да фойдали эканлигига ишонишида дейиш мумкин.

Турсуной Содикованинг миллатпарвар инсон эканлиги унинг куйиб-ёниб айтадиган ҳикматларининг аксарида ўрин олган. Хусусан, инсоннинг ички дунёси, маънавияти ва виждони ҳақидаги фикрлари ўринли:

«Бунинг учун одамда ички виждон, ички руҳий таҳорат бўлиши керак. Жисмоний таҳорат одамнинг фикрини, қалбини тозалай олмайди. Одам ўзи тоза юрса-ю, қилган ишлари тоза бўлмаса, бундан элга нима наф. Бундан у одамнинг ўзига нима наф? Ким Худони алдай олади? Худо ҳар бир ишни кўриб турибди. Гоҳида одамлар ўйлашади, ўз ақлим билан фалон мартабага эришдим. Йўқ бу мартабага эришиш учун, ўзингизнинг хиссангиз ўн фоиз бўлса, ўтиб кетган ота уруғ, она уруғ авлоднинг Худодан сени омадингни сўраб қилган дуоси тўксон фоизни ташкил қилади. Дуо – ибодатнинг илигидир. Дуо – одамни Худо билан боғловчи арқондир!»¹ Ушбу сўзлардан инсонни қўллаб-қувватловчи кучлар эзгу ниятлар ва дуолардан куч йиғиши ва бунда яқин кишиларнинг, хусусан, уйнинг кексалари, улуғларининг ўрни юқори эканлиги яна бир бор таъкидланмоқда.

Турсуной Содикова сўзларни тингловчи қалбига муҳрлайдиган даражада қилиб тушунтиришга қодир, бекорчи, кераксиз гапни гапириб эзмалик қилганлиги деярли кузатилмайди. Барча фикрлари ҳаётий, ҳаётдан олиб, инсонларнинг ўзларига қайтариш усулидан унумли фойдаланади.

Турсуной Содикова жиддий гаплари, ваъзлари билан барчага таниш бўлса-да, ҳаётда ҳазил-мутуйибага мойил, дилкаш суҳбатдош эканлиги шоира билан бирга сафарларда бўлган суҳбатдошлари томонидан эътироф этилган. Шунингдек, опанинг бошқа ижодкорларга муносабатида ҳам бағрикенглик муносабати яққол намоён бўлиши опанинг Ҳалима

¹www.ziyouz.uz. Турсуной Содикова. pg.2.

Худойбердиева билан бирга тушган суратлари ҳақида фикрларидан ҳам сезилади:

“Раҳмат! Мени Ҳалима билан бирга расмга тушириб, бир умрга бирлаштириб қўйдинг-да, ҳеч бирга тушган томошабоп расмимиз йўқ эди. Биласанми, Ҳалима, Худонинг бизга берган инояти! Юртимизга Сирдарёдай дарёни бизга бериб қандай иноят кўргазган бўлса, адабиётимизга Ҳалимадай шоирани бериб, шундай иноят кўргазди. Ҳалима шеър ёзмайди. Ҳалима кўлига қалам олиб столга ўтирганда, унинг ичидан бошқа Ҳалима пайдо бўлиб, шеър ёза бошлайди. Ҳалиманинг сабр – тоқати бир филнинг катталигидай бор. Юрагининг катталиги бир филнинг катталигидай бор. Уни асрашимиз керак. Ҳозирги кунда Ер юзида аёллар ичида унга тенг келадиган шоира топилмаса керак!” Кўринадики, бизнинг воҳадан чиққан шоирага юртнинг машҳур адиба ва шоирасининг беғараз ва самимий муносабати яққол намоён бўлмоқда. Бундай беғаразлик адибанинг ҳикматларида ўз аксини топганлиги унинг ижодига бўлган муносабатлардан аёнлашади.

«Турсуной опа адабиётимизни ниҳоятда яхши кўради. Вужудида миллионта ҳужайра бўлса, миллионта ҳужайранинг ҳар бирида адабиётга муҳаббат ловуллаб туради. Бу муҳаббат адабиётимизнинг ҳар бир забардаст вакилига нисбатан алангали, шиддатли, маҳобатли вулқон сингаридир»¹. Мана шу фикрлар исботини адибамизнинг Ҳалима Худойбердиевага муносабатидан ҳам кўриш мумкин. Т.Содиқованинг ҳикматларининг асосий омили унинг гўзал қалби. Ундан чиқаётган самимият, сўзи ва иши бир эканлигида дейиш хато бўлмайди.

Адиба Муҳаммад Юсуф ҳақида гапирар экан, шундай фикрларни илгари суради: – “Муҳаммад Юсуфнинг юрагининг кўзи бор эди, узоқни ва чор атрофни яққол кўрадиган кўзлари бор эди. У ҳамма кўрганни, ҳамма билганни ёзолмасди. Агар ёзса омон қолмаслигини биларди. Муҳаммад

¹<http://uforum.uz. Nigora Umarova.Tursunoy Sodiqova.pg.2.>

Юсуфнинг ичи зардоб бўлиб кетган, ичи қон бўлиб, қон қотиб қолган экан. У ортиқ яшолмай ўлди. Бу дунёга хокисор келди, хокисор кетди. Овозини бир умр бирор одамга кўтариб гапирмабди-я»¹. Турсуной Содиқованинг ушбу фикрлари ҳам ўзбекнинг бир шоирини ўз жигаридай кўрувчи опанинг укасига бўлган муносабатини эслатади. Қалбан бировнинг дардини ҳис этиши, унинг изтиробларин ҳис этиши адибанинг юқоридаги гапларидан намоён бўлади. Адиба Андижондан Тошкентга келганида қариндош-уруғлариникига меҳмонга бормаса-бормаган, лекин шоир-ёзувчиларнинг зиёратини канда қилмаган деган фикрлар ҳам унинг бағрикенглигидан далолат беради. Ўз тенгилари бўлган адиб ва шоирларни опа-укасидай, ўзидан катталарни ота-онасидай эъзозлаганлиги ҳам шундан далолат беради. Т.Содиқова уларнинг ҳол-аҳволини сўрашдан, уйига бориб зиёрат қилишдан завқ оладиган меҳридарё аёл тимсоли десак муболаға бўлмайди.

Турсуной Содиқованинг ҳикматлари юзага келишида унинг дили поклиги, нияти холислиги, йўлидан адашган инсонларга тўғри йўлни кўрсатишга бўлган интилишлари, ўз сўзини айтишдан тортинмаслиги, сўзлари эса миллий урф-одатлар, анъаналар, шунингдек, исломий ақидаларга асосланганлиги, бу шоира ва адибанинг бу борадаги иқтидоридан далолат беради. Унинг мавжуд нотиклик ёки воизлик иқтидори шаклланишида эса унинг оила муҳити ва атрофидаги ижтимоий ҳаётнинг ҳам ўрни бекиёс. Бу ҳақида шоиранинг ўзи шундай дейди:

«... Яхши айтаманми, яхшимас айтаманми, барибир, мен сўз айтиш қисматидан четлай олмайман. Чунки бу менга қондан ўтиб келаётган отамерос дард экан. Дадамнинг она авлодларида шоирлар, йирик тасаввуф олимлар ўтган. Катта оталари Иброҳим халфа файласуф, исломшунос олим ва сўз билан даволовчи руҳшунос бўлганлар. Тоғалари Муҳаммад Сиддик эшон (Мавжий) ҳам туркий, ҳам форсийда бирдай ижод қилган гўзал шоир бўлган... Мен ана шулардан қолган қисмат пиёласининг бир юқиман,

¹ <http://uforum.uz. Nigora Umarova.Tursunoy Sodiqova.pg.2.>

холос...»¹ Таниқли адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров фикричаёса шоиранинг ижтимоий фаолиятидаги муваффақиятлар ҳам шу каби омил вазифасини ўтаган: «Шоира, шунингдек, 2001-2008-йиллар давомида Ўзбекистон «Маърифатпарвар аёллар нодавлат уюшмаси» раиси сифатида ҳам жонбозлик кўрсатди. Мазкур рухий ўчоқлардаги фаолият Т.Содиқова табиатидаги воизлик санъатини, маънавият – ахлоқ – одоб – тарбия йўналишларидаги эссенавислик фаолиятини қатъий тизимга солди»².

Айниқса, инсонларнинг миллий ўзлигини англашга бўлган қизиқишлари, ҳаёт сўқмоқларидаги кескин бурилиш нуқталарида йўлдан оғишмасликлари учун дастуруламал вазифасини ўтайдиган қарашларнинг илгари сурилишида, комил инсонни тарбиялашда истиқлол мафкурасининг аҳамияти катта эканлиги шоира асарларининг асосий омили эканлиги яққол кўзга ташланади:

«... Ватан озод бўлди. Миллатнинг кўлидан, дилидан кишан тушди. Энди ухлоқ томирларимизни уйғотгин, Эгам, дейман! Тафаккуримизни кўзгатган. Вужудларда ўзлик хужайраларини бодрокдай очилтириб юбор! Миллат боласининг бармоғини авж пардага сур, - деган илтижолар тўкилади дилимдан. Ва тилайманки, йигирма биринчи аср миллат аёлларини аслига қайтарувчи, аслидан-да ўздирувчи аср бўлсин!»³ Ушбу сўзлардан адибанинг келажакда миллатнинг ўзлигини англашида, тараққий этишида истиқлолнинг шарофати буюк эканлиги, бундай бахт туфайли миллатнинг ҳар бир фарзанди ўз бурчини сидқидилдан бажариши, айниқса, бу йўлдаги катта масъулият миллатнинг аёли зиммасига тушиши асосли тарзда ифодаланган.

Турсуной Содиқова публицистикасида муаллиф образи талини масаласи юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-китоб – Бахт қаерда... –Т., Ўзбекистон, 2013. 474-бет.

²Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-китоб – Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар. –Т., Ўзбекистон, 2013. 5-бет.

³Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-китоб – Бахт қаерда... –Т., Ўзбекистон, 2013. 486-бет.

1. Турсуной Содикованинг публицистик асарларида инсон маънавияти масаласи биринчи ўринда бўлиб, адиба буни ҳар бир ҳикматида алоҳида урғу бериш орали ифодалашга эришади.
2. Адибанинг асарларида маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларнинг ўзига хос ечимлари ҳам кўрсатилади.
3. Т.Содиқова публицистик асарлари ҳаётдан олинган ва бадийлаштирилган ҳикматлардан иборат бўлгани учун улар ўзининг кўп сонли мухлисларига эга ва кўпчиликнинг ҳаётини тўғри йўналишга буриб юборганлиги, таъсир кучи билан ажралиб туради.
4. Т.Содиқова асарларида муаллиф образининг очилишида ҳаётий асоснинг аҳамияти жуда катта. Адиба шажараси, оилавий муҳити, атрофидаги ижтимоий ҳаёт, ҳамиша шоир ва адиблар билан мулоқотга киришишга уриниши, бағрикенглиги каби хислатлари адибанинг муваффақиятини асослайди.

Турсуной Содикованинг публицистик асарлари истиқлолдан куч олган, миллатнинг комил фарзандларини, мустаҳкам оила муҳитини шакллантиришга қаратилган асарлардир. Уларнинг муваффақияти ҳам айнан шунда.

II БОБ. ШОИРА ПУБЛИЦИСТИКАСИДА БАДИИЯТНИНГ ЎРНИ

Публицистик асарларда услуб масаласи

Аввало, услуб ва метод тушунчаларига тўхталиб ўтсак. «Метод-хаётни эстетик ўзлаштириш, бадий ифодалаш ва баҳолаш тамойиллари мажмуи эканлиги. Ижодий метод, даставвал, «ёзувчининг ҳаётга, воқеликка эстетик муносабати» (Иzzат Султон). Ижодий методнинг дунёқараш, истеъдод, эстетик идеал, маҳорат билан узвий алоқада бўлиши. Ижодий метод ва индивидуал услуб. «Методда, энг аввало, ёзувчининг бошқа, ўзига яқин ёзувчилар билан боғлайдиган умумий нарсалар кўзга ташланади, услубда эса уларни бир-биридан ажратиб турадиган томонлар: унинг шахсий тажрибаси, истеъдоди, нутқ оҳанги ва ҳоказолар кўзга ташланади» (Л.И.Тимофеев). Г.Л. Абрамович фикрича, агар метод ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги концепциялари бўлса, услуб унинг конкрет бадий ифодаси...»¹

«Бадий метод – тарихий-эстетик категория. У жамият тарихининг муайян боскичида шу даврнинг эстетик талаблари тақозоси билан туғилиши, ривожланиши ва бошқа шароитда ўз ўрнини янги ижодий методга бўшатиб бериши. Ижодий методларнинг ўрин алмашиб туриши - адабиёт тараққиётининг объектив қонуниятларидан биридир»²...

Кўринадики, метод услубга қараганда фарқли тушунча бўлиб, у ёзувчининг ўз асарида қўллаган ўзига хосликлари жамланмаси десак тўғрироқ бўлади.

Т.Содиқова публицистикаси ҳам ўзига хос услубда яратилган.

¹ Иzzат Султон Адабиёт назарияси. -Т:Укитувчи, 1980. 354-390-бетлар.

²Ўша манба. 390-бет.

«Турсуной Содиқованинг шеърларидан ташқари, унинг насри ҳам элга яхши таниш. Унинг таълим-тарбия, ахлоқ ва одоб, маънавият ва маърифат, ҳиссий покланиш ва эзгулик, инсон қалби кечинмалари, аёл дунёси ва тириклик моҳияти, фарзанд ва Ватан муаммоларига бағишланган дилкаш суҳбатлари, савол-жавоблари, ҳадислар таъсиридаги фалсафий ўйлар талқинини руҳий таҳлил этиш асосида ёзилган эсселардан ташкил топган ўтгиздан ортиқ китоби ҳозир ҳар бир хонадоннинг китоб жавонидан ўзига муносиб ва фахрли ўрин эгаллаган»¹.

Дарҳақиқат, адибанинг эсселари юқорида академик Б.Назаров санаб ўтган мавзулар кўламини қамраб олган. Улардаги етакчи мавзулар ахлоқ ва одоб масалалари, оилавий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ.

Мавзуларнинг ифодаланиш шакллари эса турлича. Айримлари ҳикматлар ёки маслаҳатлар тарзида бўлса, айримлари тўғри бирор оила аъзоси ёки ижтимоий табақа вакилига иккинчи шахс бирлик ёки кўплик шаклига қартилган бўлса, баъзилари саволу жавоб тарзида ёзилган.

Адибанинг 2013 йил чиққан сайланмаси таркибидаги ҳикматларда юқоридагича ифода усулини кузатиш мумкин. 2-китобдаги «Аслини сақлаган насл гўзалдир» ҳикмати қуйидагича бошланади:

«Оҳу ўз тўпида, шер ўз тўпида, турналар ўз тизими, кумрилар ўз галаси билан бирга бўлажакдир. Уларнинг нафақат ташқи кўринишлари, балки яшаш тарзию овозларигача турфадир...»²

Сайланманинг 3-китоби таркибидаги ҳикматларнинг сарлавҳасиданок 2-шахсга қаратилган бўлади. «Ўғлим, сенга айтаман» туркуми шулар жумласидан: «Ўғлоним, ота-онангдан кўрган меҳр-муҳаббатингга гап йўқ,

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-китоб – Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар. –Т., Ўзбекистон, 2013. 11-бет.

²Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-китоб – Дилдаги дур. –Т., Ўзбекистон, 2013. 354-бет.

аммо ҳаётингда энг юксак иззат-ҳурматни куёв бўлганигда қайнона-қайнотангдан кўрасан...»¹

Сайланманинг 4-китобидаги мақолаларнинг аксарияти савол-жавоб тарзидаги ҳикматлардан иборат. Хусусан, китобдаги «Мен бу дардга қачон йўлиқдим?» мақоласида:

«Савол:

Воизлик бу сиздаги истеъдодми ёки изланишларингиз натижасими?

Жавоб:

Ваъз айтиш дардига китоб титиб, ёзиб, ўчириб-чизиб, жонимни қийнаган жойим йўқ. Воиз бўламан деган ниятим ҳам бўлмаган. Ўз отимни «воиз» қўйганим йўқ. Аммо кабутар осмонда чарх уриб қандай маза қилса, сувда сузаётганиндаги, чанқаб туриб оғзингга сув олганиндаги роҳат қандай бўлса, минбарда мен шундай лаззатланаман!»²

Кўринадики, адибанинг беш жилдлик сайланмасининг 1-жилдидан унинг шеърлари, 2,3,4-жилдларидан унинг ҳикматлари ва ҳаётий тажрибалари асосида яратилган мақолалари ўрин олган. Сайланма ёки танланган асарларнинг бешинчи жилдидан адибанинг эссе-бадиалари ўрин олган.

«Турсуной Содиқова қаламига мансуб асарлар, асосан, оила ва фарзанд, янги авлод тарбияси, авлодлар ва уларнинг вакиллари аро муносабат муаммолари ёритилган эсселардан ташкил топган. Уларда белгили тизимдаги сюжет ва белгиланган қаҳрамонлар ҳаракат қилмайдилар. Китоб қаҳрамонлари ҳаётимизда ҳар оилада, ҳар қадамда учраши мумкин бўлган жонли кишилар. Бу асарлар тадқиқот ҳам, илмий асар ҳам эмас. У муаллифнинг руҳий таҳлилномаларидан иборат. Уларни эссе, яъни бадиа жанрига мансуб билсак, эҳтимол, хато бўлмас»³.

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 3-китоб – Ҳаёт тилсими. –Т., Ўзбекистон, 2013. 25-бет.

²Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-китоб – Бахт қаерда... –Т., Ўзбекистон, 2013. 83-бет.

³Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-китоб – Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар. –Т., Ўзбекистон, 2013. 12-бет.

Т.Содиқова эсселарини ҳам ўзига хос тарзда гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин. Хусусан, адибанинг «Турғун Алиматовни ёд этиб», «Устоз Саид Аҳмад ака», «Устоз Ғайбулло ас-Салом» номли эсселари адибанинг ўз устозлари ёдига бағишланган бадиалари бўлса, «Эркин Воҳидовни ўқиб», «Сафар Барно», «Солижон Меҳмонов» каби бадиалар замондош ва тенгдош ижодкорлар ҳақидаги мулоҳазалардан иборат. Ўз туғишган укасидек бўлиб қолган марҳум шоир муҳаммад Юсуфга бағишланган «Муҳаммад Юсуф» ва «Муҳаммад Юсуф билан икки суҳбат» бадиалари ўз-ўзидан ушбу шоир ижодига ўзига хос муносабат шаклида ёзилган.

Шоира бадиалари орасида ў зоила аъзоларига бағишланган эсселарни ҳам учратиш мумкин. Хусусан адибанинг «Жаннатим онам», «Умр йўлдошим» каби эсселари шулар жумласидан.

Шунингдек, адиба кадрдонлари, дугоналари ва яқин дўстлари ҳақидаги эсселарини «Жўраларим» рукни остига бирлаштиради. Унинг таркибига адибанинг «Матлуба Азим», «Раънолар аълоси», «Нур ойим», «Тўлқин Йўлдош», «насиба опа Холиқ қизи», «Ижод чамани» каби кўплаб эсселарини киритиш мумкин.

Ушбу эсселардан адибанинг ижодкорлар, азиз инсонлар ва ижод намуналарига муносабатини кузатиш мумкин.

«Маънавият ҳар бир шахсда алоҳида тажассум топувчи фазилат ва хусусият бўлишидан ташқари, улар ҳаётнинг, жамиятнинг юқорида эътироф этилган қирралари такомилига фаол таъсир этувчи куч эканини эътиборга олсак, Турсуной Содиқованинг биз шарҳлаётганимиз – ахлоқ, одоб, тарбия хусусидаги куюнчак мушоҳадалардан ташкил топган эсселари муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масалалар билан чамбарчас боғланиб кетиши маълум бўлади»¹.

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-китоб – Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар. –Т., Ўзбекистон, 2013. 15-бет.

Ҳақиқатдан ҳам Т.Содиқова эсселари маълум ва машҳур шахсларнинг, ўзи таниган ва яхши билган инсонларнинг жамиятда ва оила муҳотида қанчалар фаол куч эканлигини кўрсатувчи омил сифатида тасвирлаганлиги билан ажралиб туради.

Т.Содиқова эсселарида композиция воситаларидан, бадиий тасвир унсурларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Булар қаторида қаҳрамоннинг портрет чизгилари алоҳида аҳамиятга эга.

Адибанинг “Дутор навоси” деб номланган эссесида ўзбек санъати дарғаларидан бўлган Турғун Алиматов хусусида сўз боради. У кишининг портрети қуйидагича тасвирланади:

“Бошда дўппи, елкасига яланг қават тўн ташлаб олган, полвон келбатли, саксонлардан ошган бу одамнинг салобати ўзидан олдин юрар экан. Кўзингизга асло қарамай, чертиб гапириб, ўлчаб куладиган, аммо ҳамсухбатини вужуди кулоқ бўлиб тинглаётган бу одам шундоққина Шарқнинг суврати, Шарқнинг ўзгинаси эди. Умрнинг ҳали у, ҳали бу бекатига тўхталар экан, юрагини фақат боғ қилиб ёки “оҳ” бўлиб қолган жойларинигина эслар, кам гапирса ҳам, катта руҳият билан гапирарди. Ўзбек санъатининг тирик тарихи, бетакрор хазинаси рўпарамда тургани ва бу дақиқаларнинг ғаниматдан ғаниматлигини билиб турибман”¹.

Парчадан кўринадики, Т.Содиқова эссе қаҳрамонининг портретини чизар экан, ушбу қаҳрамоннинг ўзига хос жиҳатларини бадиий тасвир воситаларидан саж, ташбеҳ, жонлантириш, истиораларни қўллаган ҳолда баён қилади. Хусусан, юқоридаги парачадаги “яланг қават тўн”, “бетакрор хазина” кабилар ташбеҳ, “салобати ўзидан олдин юрар” жонлантириш, “боғ-оҳ” – саж, “Шарқнинг суврати, Шарқнинг ўзгинаси”, “умрнинг бекати” каби жумлалар истиора вазифасида келган. Яъни адиба насрда яратилган эссе жанридаги асарига шоирона жумлаларни қўллаш орқали ўзи яратаётган

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 5-бет

қахрамоннинг ташқи кўриниши, ҳолати, руҳиятини юксак маҳорат билан ифодалашга ҳаракат қилган. Ўқувчига яққолроқ намоён қилишга эришган.

Юқоридаги эссенинг бир ўрнида муаллиф “Ўргилай, дутор, - дейман, - айланай, дутор! Бағримни қонатганинг учун, жон озиғи дардларимни ёдимга солганинг учун!.. Ҳар бир парда бағримнинг оғрийдиган жойини топиб тегинади, куй теккан жойки бирдан олча бўлибми-ей, бодом бўлибми гуллаб юборади!..”¹ каби кечинмалар ифодаси ҳам берилган. Бу ифодалар эсседан ҳам сўра сочма шеърнинг хусусиятларини ўзида мужассам қилган. Яъни, унинг таркибида сочма шеърнинг таркибида бўлиши зарур бўлган бадий тасвир воситаларининг барчаси мужассам. Бундан Турсуной Содикованинг эсселаридаги шоирона рух, сочма шеър унсурлари мавжуд эканлиги бу ижодкорнинг ўзигагина хос бўлган индивидуал услуби мавжудлигидан далолат беради.

Мана шу эссенинг давоми бўлган “Кўкдан думалаган ой”, “Райҳоннинг оҳи” каби парчаларда ҳам юқоридаги услубдан унумли фойдаланилган. Номлариданок метафорага асосланганлигини илғаш мумкин. Чунки кўкдан думалаган ой – бу Турғун Алиматов бўлса, райҳон узилганда оҳ-нола чекиши кейинги қисмнинг асосий мазмунинин ташкил этади.

“Устоз Саид Аҳмад ака” номли эссе ҳам бир неча қисмдан иборат. Ундаги “Опанинг даккиси”, “Опанинг гули”, “Юрагимга босиб юрибман”, “Тўп юлдузнинг биттаси”, “Лой етмай қолди”, “Омонатни топширгани кетди”, “Маслаҳат” каби қисмларида халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Саид Аҳмад билан боғлиқ хотиралар, ҳангомалар ўрин олган. Бар ўринда адиба:

“Саид Аҳмад акада ўша улуғларнинг тафти, файзи бор эди. Устознинг ёшлари улуғлашган сари юрагим увишар, ўша бебаҳо давранинг ичида улар билан кўл ташлашиб, елкадош бўлиб яшаган, уларнинг таъми, ҳидини

¹Ўша китоб, 6-бет.

берадиган охирги вакил кетиб бораётганини ҳис этиб турар эдим...”¹ Бу ўриндаги “улуғларнинг тафти”, “бебаҳо давра”, “қўл ташлашиб” каби ўринларда ташбеҳдан фойдаланилган. Таъм ва ҳид сўзлари ҳам ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода қўлланганлигидан унинг истиора эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Шу эссенинг “Қуёш бобо десам майлими?” деб номланувчи бўлимида Саид Аҳмадни бир ёш бола “қуёш бобо” деб атаганлиги ҳақида сўз боради ва муаллифнинг қуйидагича кечинмалари акс эттирилади:

“... Бола пок, унинг руҳияти нима деса, тили ўшани гапирди. Ҳақиқатан ҳам Саид Аҳмад ака келган жойга илиқлик, ҳарорат кириб келарди. Давра жонланар, илжаймаган чехра, маза қилмаган одам қолмасди. Бугун ўрнилари ўпирилиб, айрилиқ тоши юракларни эзиб, оғритиб турибди. Бугун даврадагилар сипо, давралар сокин. Бугунги суҳбатларнинг чақин чақадиган, момогулдирак ясайдиган Ғафур Ғуломлари, Саид Аҳмадлари йўқ! Аммо бундай офтобсифат одамларни ўз кўзлари билан кўрганимиз, ёзганларини ўқиб яйраганимиз биз учун тансиқ сазоворлик бўлганини энди ҳис қилиб турибман...”²

Ушбу парчадаги “илжаймаган чехра” жумласида синекдоха, “айрилиқ тоши” “чақин чақадиган”, “момогулдирак ясайдиган” жумлаларида истиора, “юракни эзиб оғритиб” жумлаларида жонлантириш қўлланилган. “Тансиқ сазоворлик” жумласида эса ташбеҳнинг ўзига хос намунасини кузатиш мумкин.

Т.Содиқованинг «Оҳори тўкилмай ўтган умр» деб номланган эссеси йирик тилшунос олим, ёзувчи, воиз бўлган Ғайбулло ас-Салом фаолияти билан боғлиқ. Унда устозига бўлган эҳтиром самимий ва ташбеҳларга бой жумлалар орқали баён қилинган. Хусусан, устознинг бевақт ўлими туфайли ёзилган жумлалар фикримизнинг исботидир:

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 20-бет.

²Ўша китоб, 30-бет.

“... Вужудимга тушган ўт оғзимдан отилган каби, бир фарёд янградики! Мен отамдан кейин, онамдан кейин бу қадар гирён йиғламаган эдим! Маъни боғининг кумушранг кабутари учди-да, кетди! Самимият инжуларини ёғдириб, одамларнинг ғуборини ювадиган ул оппоқ булут олис самоларга кўчди-да кетди! Қўлидаги асо билан қаддини эмас, орият, ғурурини адл тутган, феъли ҳалим, аслида шер эди, шундай одам ўтди-да кетди! “Дунё” дея аталган бу эски дўконнинг яна бир чети ғариб бўлди! Қалами бодомдай ғуж гуллаганда, ижоди ларзон-ларзон мевалаганда, тиллари булбулга айланганда, яъники авж пардасига етганда, биз мухлисларнинг эса ул киши боис кўнглимиз ғоят ўсганда, Ғайбулло олимдан, Ғайбулло муаллимдан, Ғайбулло навосоздан айро тушдик!”¹ Насрий шеър каби ёзилган ушбу марсияда бадий тасвир воситаларидан такрорлар, ташбеҳлар, истиоралар кўплаб қўлланилган. Хусусан, шоиранинг “ўт оғзимдан отилган каби”, “қалами бодомдай” каби ташбеҳлардан, “эски дўкон”, “кумушранг кабутар”, “оппоқ булут” каби ҳам истиора, ҳам ташбеҳ санъати намуналари, “ларзон-ларзон мевалаганда” жумласидаги ташхис, “кетди” сўзи билан боғлиқ такрорлар каби кўплаб санъатлари ушуб марсиянинг инсон қалбини ларгзага солишига хизмат қилган.

Ушбу эссенинг охирига шоира ўз устозига бағишлаб ёзилган шеърини илова қилади.

... Асомас, сизни ғоз тутган илм эди,

Дўппингиз дўппимас, орият, ғурур.

Бағирда лахта қон ютган дил эди,

Сиз – шу хаста дилни сайратган сурур!²

Бу парчада қўлланилган “илм”, “орият”, “сурур” каби истиоралар ва ташбеҳлар эссенинг асосий қаҳрамони бўлган устознинг тавсифида ўринили қўлланилган.

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 31-бет.

²Ўша китоб, 36-бет.

“Эркин Воҳидовни ўқиб” номли эссесининг бошқа бадиалардан фарқи унда эссе қаҳрамони бўлган шоир ижодидан намуналар ҳам келтирилган. Яъни бу эссе шоир шахсиятидан кўра унинг ижодиёти таҳлилига қаратилган десак, тўғри бўлади. Унда кўпроқ Эркин Воҳидовнинг инсон маънавияти, одоб-ахлоқ мавзуларидаги шеърларига кўпроқ урғу берилган.

Эссе шоирнинг камтарлик ҳақидаги шеъри тадқиқи билан бошланган. Бу шеърдаги оддийлик ва халқона руҳ ҳақида сўзлангандан сўнг шоирнинг темир ҳақидаги шеърига тўхталган адиба шундай дейди:

“Эркин Воҳидов шеърларининг ўзига хосликларидан бири шуки, унинг ёзмишларида ҳазрати Навоидан мерос бўлиб қолган мулойим, илиқ туркона юмори ҳадеганда учратиб турасиз. Унинг ним кулгусию қочиримларида, сўз ўйинларида яширинган “палахмон тошлари” тўппа-тўғри нишонга тегаверади”¹. Бу таъриф ҳам бадий тасвир воситаларига асосланиб тавсифланган. Бундаги “илиқ туркона юмор” ташбеҳи ва “палахмон тошлари” кинояси бундан далолат беради. Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеърини бериш орқали шоира унинг юқорида ижодининг асоси дея таърифланган юмор тагида аслида бирор ҳикмат яширинганлигини таъкидламоқчи бўлади:

Кеча керак бўлдинг

Болалик чоғим!

Сенга қўл узатдим,

Йўқ,

Етолмадим.

Ошкора фирромлик қилди

Ўртоғим –

Мен: бор, ўйнамайман,

Деб кетолмадим².

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 38-бет.

²Ўша китоб, 39-бет.

Аслида болаликнинг беғубор ўйинқароқликлари билан боғлиқ мавзу остида ҳаётда учрайдиган ғирромлик каби иллатнинг ифодаси яширинган эканлиги, яъни ҳаётдаги ғирромликни кўра билишнинг ва билиб қолгандан сўнг ҳам уни ўз яқин ўртоғингга ошкора айта олишнинг иложи йўқ эканлиги, яъни асл ҳаёт ўзининг мураккаблиги билан болаликдан тубдан фарқ қилишини таъкидламоқчи бўлади. Ёки бир ўринда Эркин Воҳидовнинг қуйидаги мисраларига муносабат билдиради:

У дунёга келиб ташвишнинг
 Орқасидан елиб-югурди.
 На сўнгига етолди ишнинг,
 На дунёни англаб улгурди.
 Охир бир кун
 Ақли тўлгач, у
 Ўз жонининг қадрига етди,
 Бор-эй, дея қўл силтади-ю,
 Бу дунёни ташлади-кетди.

Фурсат – бу тинмай югураётган соат мили, ғизиллаб балқиб ва ботиб тургувчи Ой ва Кун, кўз очиб юмгунингча алмашинаётган фасллардир. Фурсат – бу кечагина кўз олингизда югуриб юрган болакайнинг бугун сочларига қўниб турган қиров¹... Кўринадик, Турсуной Содикова шеърят таҳлилини ҳам ташбеҳлар асосида амалга оширган, яъни шоирнинг инсоннинг умри жуда қисқа эканлиги, бу умрни инсон ташвишлар ичида ўтказиб юбориши, лекин ортига қарайдиган пайт келганда ўзи ҳақида ўйлашга анча кеч бўлганлигини тушуниб қолиши ҳақидаги ушбу шеърдан чиққан хулосани бадий тасвирвоситалари орқали баён қилади. Адибанинг шеърга берган изоҳида жонлантириш (югураётган соат мили), истиора (сочларига қўниб турган қиров) кабилар қўлланилган.

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 40-бет.

Э.Воҳидовнинг муҳаббат мавзусидаги шеърлари таҳлили жараёнида шоира уларнинг ўзига хосликларига бирма-бир тўхталиб ўтади. Бир ўринда “шоир учун ҳижрон юки шу қадар даҳшатли юкки, у “Бестун тоғини укпарча учириб юбориши”, “Ер билан осмонни бир қадоқ тошча” чирпирак қилиши мумкин. Шунинг учун:

Мен бўлай жондин жудо

Бўлганча жонондин жудо,

Не керак жон, эзса жоним

Бир умр армон юки—

Бундаги “армон юки” жумласи муҳаббатдан қийналаётган қалбнинг изитробларин акс эттирган. Т.Содиқова буни қуйидагича изоҳлайди: “Бу ғазаллардаги кўтаринки романтикадан руҳингизга нур, енгиллик таралгандек бўлади. олам кўзингизга аслидан кўра бошқачароқ кўрина бошлайди”¹.

Адиба Э.Воҳидов ғазалларини атрофлича таҳлил қилади ва шоирнинг Инсон ҳақидаги хулосаларига юксак баҳо беради:

“... Бу асарларда шоирнинг она халқи, миллатига бўлган муҳаббати умуминсоний моҳият касб этади. Шоир мушоҳадасида чегара йўқ, миллатнинг фарқи йўқ. Унинг диққат эътиборида жами инсоният учун ягона бўлган Ер шария уни тўпдай ирғитиб ўйнамоққа қодир турган Инсон сурати туради: истаса фаттон, истаса қурбон инсоннинг, истаса хандон, истаса яксон инсоннинг мураккаб дунёсидан тонг қолган шоир умумбашарият ғамини еган ҳолда дейди²:

Ким фаранги, ким ҳабаш,

ирқ, қон талаш, имон талаш,

Шулми инсондек яшаш,

армон ўзинг, афғон ўзинг.

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 55-бет

²Ўша китоб, 67-бет.

Т.Содиқованинг Э.Воҳидов шеърятининг ўзига хос жиҳатлари таҳлиliga бағишланган эссесида халқимизнинг ушбу етук шоирига юксак эҳтиром ва чексиз ҳурматни илғаш мумкин.

Адибанинг халқимизнинг яна бир севимли шоирларидан бири бўлган Муҳаммад Юсуф ҳаётининг айрим жиҳатлари ва ижодига бағишланган эссеси ҳам ушбу китобдан ўрин олган. Бу эссе ҳам кичик мақолалар жамланмасидан иборат. Биринчи мақоласи “Сизни “Офтобойим” десам, майлими?” дея номланади. Ушбу эссеси бевақт оламдан ўтган хассос шоирга атаб ёзилган насрдаги марсияга ўхшаб кетади:

“Нурлари билан руҳиятимизни ёритиб кетган, укам! Дурдона ёзмишлар қолдириб, кўксимизни бойитиб, аммо эрта ўтиб, бизни чандон қойитиб-қойитиб кетган укам! Хандон отиб қулишларга, баланд овозларда шеър ўқишларда ийманиб ўтган, укам!..” Бу парчада ҳам адиба саж усулидан фойдаланиб, матннинг таъсирчанлигини оширган. Шу эссе таркибидаги “Қизғалдоқ-ла бир болишда, ётган укам...” мақоласида Т.Содиқова Муҳаммад Юсуф шеърларида кўп учрайдиган “ўлим” поэтик образига алоҳида аҳамият қаратган. Ушбу образнинг турли маъноларини изоҳлаган. Хусусан М.Юсуфнинг:

Тошканда зўр шоир бўламан

Ё уйга қайтиб, ариқ бўйида,

Ялпизга суяниб ўлиб қоламан,

каби мисралари таҳлил қилинган ва шоирнинг ўз умри поёни ҳақидаги башоратларига алоҳида урғу берилган. Мақолада Т.Содиқованинг Муҳаммад Юсуфга бағишлаб ёзилган шеърлари ҳам ўрин олган:

Юлдузларни йиғлаб уйғотган, укам,

Булбулларни бўзлаб йиғлатган. Укам,

Юрагимни сўз-ла қулатган, укам,

Мен сизни хушхоним дея асрайин.

... Ҳеч ким билмагани билиб жаранглар,

Санъатдаги шоним дея асрайин,
 Қуёшда пишгоним дея асрайин,
 Ойлардан тушгоним дея асрайин¹...

ушбу шеърга изох беришида шоира унинг Муҳаммад Юсуф ҳали ўттиз ёшдалигида ёзилганлигини, лекин ўшандаёқ унинг кўнгли ушбу нозик қалбли шоирни ёмон кўзлардан асраш лозимлигини сезганлигини айтиб ўтади. Эссе охирида шоиранинг ўз укасидай бўлиб қолган Муҳаммад Юсуфга бағишланган яна бир шеъри келтириб ўтилган. Ушбу шеърни шоир ўлимига бағишланган марсия-шеър дейиш мумкин:

Муҳаммадга ишондик биз, Муҳаммадга
 У чин фарзанд бўла билди Марҳаматга.
 Қовунчини алмашмади пойтахтга,
 Ёғоч отда бўлса ҳамки қайтган иним!

... Оҳ, қизғалдоқ, дея шеърлар ўқийвердинг,
 Ёнингдан жой бер менга деб нуқийвердинг,
 Ният кетди – Аллоҳ қисмат тўқийверди,
 Қизғалдоқ-ла, бир болишда ётган иним!

Тош қоматинг кўринади ҳўв далада,
 Энди кетмас бўлиб қолдинг бу қалъада,
 Ўзбек борки, барин кўнгли сен болада,
 Кўксимизда армон бўлиб қотган, иним,
 Ялпизларнинг орасига ботган, иним,
 Қизғалдоқ-ла, бир болишда ётган, иним.

Ушбу шеър мазмун жиҳатдан ҳам, бадиият жиҳатдан ҳам ўзига хос тарзда шакллантирилган. Унда Муҳаммад Юсуф қолдирган адабий меросга,

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 90-бет

унинг ижод намуналарига, у яратган поэтик образларга алоҳида аҳамият қаратилган. Шоирнинг бевақт ўлиmidан қайғуда бўлагн лирик қаҳрамоннинг фикрлари, ёдномалари акс эттирилган. Шеърда “ёғоч от” истиораси тобут маъносида қўлланган бўлса, “қизғалдоқ”, “ялпиз”лар эса шоирнинг туғилиб ўсган ватани маъносида, Она табиат рамзлари маъносида қўлланилган.

Муҳаммад Юсуф мавзусидаги бу эсседан ташқари адибанинг “Муҳаммад Юсуф билан икки суҳбат” эссеси ҳам китобдан ўрин олган. Биринчи қисмда шоирага хассос шоирнинг саволлари ва унга Т.Содиқованинг жавоблари акс эттирилган. Иккинчиси “Юракка қадалган байроқ” деб номланади ва унда шоиранинг марҳум шоир билан руҳан суҳбати ўрин олган. Шунингдек, ушбу мақолада Муҳаммад Юсуфнинг турли мавзудаги шеърлари таҳлилга тортилган. Хусусан, шоирнинг Ватан мавзусидаги шеърларига алоҳида аҳамият берилган:

Кўҳна тол бешикдан
 Бошланар олам,
 Сенга иддаолар
 Қилмай севаман.
 Бир куни синглим деб,
 Бир куни онам –
 Ватан,
 Кимлигингни
 Билмай севаман.

Ёки:

О, ота маконим,
 Онажон ўлкам,
 Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
 Сенигдек меҳрибон йўқ,
 Сенигдек кўркам,

Римни алишмасман бедапоянгга¹...

каби сатрлар шоира томонидан атрофлича таҳлил қилинган. Мақола ниҳоясида адиба қуйидагича фикрларни айтиб ўтган:

“Бир” шеърингизда “булутларга юзимни босиб йиғладим” деган эдингиз. Сизни “ойлардан тушгоним” дея отингизни қўйдим мен. Бир жойда “Кўнглим гулдай эзилиб, кўзимга ёш тўляпти. Эҳ, қуёшга осилиб, ботиб кетгим келяпти” дебсиз. Яна дебсиз: “Кўчиб бораётир бу умр карвон, кунларнинг бўйнида юрак кўнғироқ”. Юрагини кўнғироқ қилиб, йўлларимизга илиб, ўзи булутлар бағрига учиб кетган, иним! Тўрғайдай чарх уриб, наволар сочиб, бизни уйғотиб, ойнинг айвонига кўчиб кетган, иним! Ватан ғамини еб, элнинг камини деб, кўкка муножотлар айтиб ўтган, иним! Оҳлари етмаса ул осмонга, қуёшга осилиб ботиб кетган, иним!”² Т.Содиқованинг Муҳаммад Юсуф ҳақидаги ушбу мисраларининг таъсир доираси жуда кучли. Бунга сабаб унда қўлланган бадиий тасвир воситалари ва шоиранинг сўз танлаш маҳорати. Чунки бу марсияда шеърини оҳангни ҳосил қилишда қўлланилган саж санъати ҳам, шоирни таърифлашда қўлланилган ташбеҳ ва истиора санъатлари ҳам жуда ўринли. Шоиранинг бу шоирга чексиз эҳтироми мана шу каби марсиялар ва эсселар орқали ифодаланган.

Ушбу китобдан “Жўрам Сафар Барно” номли эссе ҳам ўрин олган. Унда ушбу ижодкорнинг ўзига хос ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритилган. Эссенинг бошланишида ўзи қатори таҳсил олган талабалар қаторида бизнинг устозимиз Умурзоқ Ўлжабоев домланинг исмлари ҳам ҳурмат билан келтириб ўтилганлиги бизни чексиз ғурурлантирди.

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 92-бет

²Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 95-бет

Сафар Барноев ҳақидаги ушбу эсседа адиба ушбу камтарин, лекин ҳазил-мутойибани ўз ўрнида ишлатадиган ушбу инсон ҳақида самимий муносабатини билдириб ўтган. Унга кўра ушбу ижодкор тенгқурлар ичида энг эрта танилган шоирлардан, ҳамда ўз курсдошларига ҳам оқибатли бўлган инсонлардан бири сифатида таърифланган. Шунингдек, шоиранинг “Куй” деб номланган биринчи шеърий тўпламининг нашр этилишига ҳам айнан Сафар Барноев сабабчи бўлганлиги, бошқа соҳаларда ҳам ҳар доим тиргович вазифасини ўтаганлиги хусусида сўз борган. Мақола охирида ушбу инсоннинг кўп йиллик хизматлари ва яхшиликларининг эътирофи сифатидаги шоиранинг фикрлари келтириб ўтилади:

“... Жўра бўлиб бошингизга дўппи кийдириб, белингизга андижонча бир қийиқ боғлолмадим. Болаларимга суҳбатларингизни тинглатиб, гувоҳлигингизда уларни фарзандларингиз билан ўртоқ қилиб қўёлмадим. Ана армону мана армон энди!..”¹ самимий айтилган ушбу жумлалар яқин дўстнинг чин инсонга нисбатан чексиз ҳурмати рамзи сифатида ифодаланган.

Яна бир эссеватанпарвар инсон Солижон Меҳмоновга бағишланган бўлиб, “Андижоннинг Солижони” деб номланади. Ушбу эссе қаҳрамони Хонободни ободонлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатган инсон бўлганлиги учун шу жо билан боғлиқ бўлган пейзаж тасвирларга алоҳида ўрин берилган.

“Хонободни таърифлаш қийин. Уни фақат кўриш керак... бундай қарасангиз қатор-қатор тепаликларни оқ, қизил, пушти атиргул лашкарлари ўрмалаб чиқиб эгаллаб олган. Адирлар атиристонга айланган!”² бу парчада ишлатилган “атиргул лашкари” ва “атиристон” жумлалари ўзига хос янгилик. Бу жумлалардан жонлантириш санъатини кузатиш мумкин.

Ушбу эсседан Солижон Меҳмонов ҳақидаги кўплаб қизиқарли ҳикоялар ўрин олган. Улардан бу одамнинг инсонларни бирлаштира билиш салоҳияти, ободончиликка алоҳида аҳамият бергани, Хонободдай жойни

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 106-бет.

²Ўша китоб, 110-бет.

яшил макон сифатида дунёга танитгани, ўз ҳудуди учун инсонпарварликка асосланган қонунлар мажмуаси ўйлаб топгани, ўз яшаётган масканларида гул узишни, бирор ниҳолга озор беришни жиноят деб билиши ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ўрин олган. Шундай қизиқарли ҳикояда бир аёлнинг жуда гўзал кўринган бир гулни узиб ҳидлаб турган жойида эссе қаҳрамони пайдо бўлиб, бу аёлга вазоҳат билан танбеҳ бергани ва ушбу аёлни “вой гулим” дея йиғлашга мажбур қилганлиги ҳақида айтиб ўтилади. Бошқа бир ҳикояда уларнинг ҳудудига меҳмон бўлиб келган ёшларнинг гулларни беаёв узганлигини кўрган ота ўзи гулларни қўлига олиб, ўтириб олиб йиғлаганлиги ҳақида сўз борса, бошқа бир ҳикояда ота кўриб қолмайди деган мазмунда ярим кечаси гул узаётганлар тепасида бирдан ота пайдо бўлиб, уларни бу йўлдан қайтарганлиги хусусида сўзланади. Бу билан муаллиф отанинг жони ана шу меҳнат самаралари бўлган гуллар билан пайвандланган демоқчи бўлади. гулларга озор етганда отанинг ҳам кўнгли буни сезиши ва ўша жойда пайдо бўлиши шундан деган хулосага келади. Хиёбонда сигарет чеккан, йўлакда писта чаққан аёлни ҳам уялтириш орқали Хонобод қонунларига бўйсундириш эссе қаҳрамонининг ўзига хос жиҳатларидан бўлганлиги, бу қонунларга бўйсунмаган бирор кимсани аямаганлиги, тартибни бузган юқори мансабли кишиларни ҳам изза қилганлиги, меҳнат интизомини бузган ўз хотинини ишдан бўшатиб юборганлиги, қонунни бир оз бузган ўз ўғлини милиция ходимларига топширганлиги ва ҳоказо фактлар келтирилиши орқали ушбу инсоннинг адолатпарвар эканлиги ҳам кўрсатиб берилган.

Ушбу эсседа муҳим бадиий асар учун муҳим компонентлардан бўлган портрет тасвирдан ҳам фойдаланилган:

“Солижон акага Худо қоматни ҳам қизғанмай берганди. Оёқлари ҳам оёқмисан оёқ эди. У одамлар орасида бир калла баланд турар, агар ёнма-ён йўлга тушсангиз, унга етиб юриш учун фақат югуриш керак бўларди...”¹ Эссе

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 191-бет

қахрамонига берилган таърифда ҳазиломуз оҳанг устунлик қилади. Хусусан, “оёқмисан оёқ”, “бир калла баланд” жумлалари шулар жумласидан.

Эссе охирида Солижон Меҳмоновга қуйидагича таъриф берилган:

“Хонободдан эса қиру адирларни титратган, ҳамшаҳарлари қалбида тоғдай обрўга эга бўлган, сояси бутун Хонободни салқинлатган, Алпомиш десанг дегудай инсонмисан инсон кетди, қайтмас бўлиб кетди! Унинг феълида Мажнуннинг жунуни, Фарҳоднинг фидоийлиги, Алпомишнинг келбати, шижоати ва тоймасликлари бор эди. У тириклигидаёқ у ҳақида афсоналар юрар эди”¹. Ушбу таърифда сифатлаш билан бирга талмех санъатидан ҳам фойдаланилган. Бунга Мажнун, Фарҳод ва Алпомиш каби қахрамонларнинг номлари келтирилганлиги сабаб.

Хонободлик машҳур миришкор Солижон Меҳмонов ҳақидаги бу эсселар жамланмаси ёки рисолада ушбу инсоннинг барча фазилатлари акс эттирилган. Бу рисола орқали муаллиф бу меҳнаткаш ва бунёдкор инсонга бўлган чексиз эҳтиромини ҳам намоён қилган.

Т.Содиқованинг китобдаги яна бир рисоласи “Мен кимни севдим?” деб номланади. Унда адибанинг болалик хотиралари ўрин олган. Ўз ҳаёт йўлининг болалик даври, ота-онаси билан бирга бўлган дамлари, олий даргоҳга ўқиб юрган йиллари, иш фаолияти ва атрофидаги меҳрибон кишилар ҳақидаги эсталиклари бу рисоланинг асосий мазмунини ташкил этган. Рисола сўнгида шоиранинг ота-онасига бағишланган бир шеъри келтирилган.

... Кўкка етди “ёрил, тош”ларим,

Сизга етмас, энди не этдим!

Ёлғон чикди эртагим маним,

Айтавериш суякка етди...

Дадажоним, эртакчи дадам,

¹Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 193-бет.

Эртакларга айланиб кетди¹...

Ушбу парчада болалик беғуборликларини, эркаликларин кўмсаган лирик қаҳрамоннинг дадаси ҳақидаги хотиралари ва эзгу кечинмалари акс эттирилган.

Т.Содиқованинг «Жаннати онам» эссеси юксак шоирона маҳорат билан ёзилган десак муболаға бўлмайди. Унда шоиранинг онасига бўлган чексиз меҳри ҳам шеърлар орқали, ҳам наср усулида баён қилинган. Бадиа шоиранинг ўз шеъри билан бошланган:

... Бир армоним бордир мани,
Бордир битта фарёдим:
Топиб беринг, онам қани,
Унга ҳали тўймовдим!
Топсам, жонда асрар эдим,
Қароғимга жойлардим.
Саноғи йўқ қарзларимни,
Узмоққа бел бойлардим!..²

Ушбу бадиянинг моҳияти асосан ана шу ниятнинг амалга оширилишига бағишланган. Бадиянинг бир ўрнида келтирилган фиғон шоиранинг онасига бўлган асл туйғуларини намоён қилган:

“Ҳамманинг онаси ўзига чиройли! Ҳар бир инсон ўз онасининг қудрати, қувватига ўзи гувоҳ. Менинг кўча кўрмагангина, соддагина онамнинг сувратини чизмоққа шоирлигим етмай турибди, фикратларим ожиз турибди. Ҳар бир онада бетакрор минг бир мўъжиза! Уларни жамлаб кўринг, бу мўъжизаларнинг кучини чамалаб кўринг! Ахир ёруғ оламнинг дукурлаб турган табибидир она! Инсоният томирини ушлаб турган табибдир у! Тадбир тузиб, дунё дилин хушлаб, келажакни қўлларида ушлаб турган ҳабибдир, у!

¹Ўша китоб, 219-бет.

²Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 220-бет.

... Кўзим тугул суякларимгача намлаб ёздим, онам ҳақида айтганларимни йиғиб, жамлаб ёздим! Мен фақирнинг битикларин назарга илсангиз зора! Мени ўқиб онамни дуо қилсангиз зора!”¹ Бу сатрларда ҳам адибанинг ўз руҳияти, кечинмалари тавсифини таъсирли қилиб ифодалаши эвазига, унда бадиий тасвир воситаларини қўллаши эвазига таъсирчанлик янада ортган. Бундаги “кўзим тугул суякларимгача намлаб ёздим” жумласи унинг кўз ёшлари нафақат кўзидан балки қалбидан чиқаётганлигига ишора. “намлаб, жамлаб” ифодалари эса оҳангдошликни юзага келтирган. Бадиия сўнгида шоира онага бағишланган ғазалини келтириб ўтади:

Онажоним кетди-ю, қолди етим дил ўртада,

Онажонимсиз сағир ўтди талай йил ўртада.

Ҳар баҳордан изладим, ҳар бир кузакка бўзладим,

Сизсизин ҳолсизланиб, бўлди кўнгил қил ўртада...

Турсуной Содикованинг оналарга эҳтиром мавзусидаги ушбу эссесидан ташқари ўз турмуш ўртоғига бўлган ҳурмати акс эттирилган эссеси ҳам мавжуд. Умумий номи “Умр йўлдошим”. Унда ҳам туркум мақолалар жамланган. Бу эссенинг сўнгида ҳам умр йўлдошига ҳурмат маъносидаги ифодалар билан бирга бир байт ҳам берилган:

“... У менинг тарбиячим, у менинг покловчим. Аслида, ичимда най йўқ, ишқ деган неъматнинг хосиятидан найга айланиб қолган ўзимман! Аммо ишқ бошқа, умр йўлдошликнинг ўлчови эса бошқа! Умр йўлдошликнинг тарозуси йўқ! Мингта ишқ бирлашиб, бир рўзғорнинг файзини бера олмагай!

Умр йўлдошимга ёзган бир шеъримда айтибман:

Ҳали ишқнинг баҳосини топмади дунё,

Сиз ишқдан баланд, ишқдан покиза бир тахт!

Шу гапим – гап!”²

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 228-бет.

²Ўша китоб, 293-бет.

Шоира бу ўринда турмуш ўртоғига ўз севгисини изўор қилиш билан бирга унинг умр йўлдоши сифатидаги мартабасини ҳам улуғламоқда. Яъни, оила муқаддаслигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқда.

Китобда “Жўраларим” номли туркум остида адабанинг бир умрлик кадрдонлари, дугоналари, курсдошлари, қўшнилари ҳақида сўз боради. Булар орасида Матлуба Азимова, Раънохон Турсунхўжаева, Рауф Парфи, Ҳикоят Маҳмудова, Назира Жўраева, Насиба Валиевалар ҳақида сўз боради. Муаллиф уларнинг ҳар бири ҳақида тўлқинланиб сўз юритади, уларнинг ҳар бирига чексиз ҳурматини изҳор қилади, уларнинг фидойилигига тан беради. Бу кичик бадиалар орасида халқимизнинг севимли шоири Рауф Парфи ҳақидаги эссе алоҳида ўрин тутади. Унда шоир шеъриятига ҳам муносабат билдирилади, қисман бўлса-да таҳлилга тортилади.

“... Осмонларда қулоч ёйиб, Қуёшга суяниб олиб, кўкдан туриб Заминнинг сувратини томоша қилаётган, Ойнинг айвонида юлдузлар билан суҳбат қураётган шоирнинг мана бу туйғуларига бир эътибор беринг:

Бўғизланган гулдаста каби
Сенинг оёғингга йиқилдим”¹.

Ушбу парчада шоирона ташбеҳлар қўлланилган, яъни булар “осмонларда қулоч ёйиб, Қуёшга суяниб олиб, кўкдан туриб Заминнинг сувратини томоша қилаётган, Ойнинг айвонида юлдузлар билан суҳбат қураётган шоир” жумлалари ёки таърифларидир. Бундай таъриф Рауф Парфи шеъриятига муаллифнинг берган баҳоси дейиш мумкин. адиба шеър таҳлилини ҳам шоирона тарзда амалга оширади. Хусусан, Рауф Парфининг

Уйғонмади тоғлар, дарёлар,
Уйғонмади бу қора дунё,
Уйғонмадим сенинг кўксингда...

Каби сатрларини қуйидагича изохлайди:

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 338-бет.

“... Сабр тошларини йиғавериб, уларни юрагимга тахлайвериб, бу зилдай юк остида эзилиб мажрух бўлган бағир мана мен! Индамас ғамлару тили йўқ нолонларни дарёларга қандай дўнишини мендан сўрангиз”, дейди шоир. Тоғлар бу қора дунёнинг талай ғамларини димлаб ётганини, дарёлар унинг ўркач-ўркач андуҳларини сирли сандиқларида сақлаб оқаётганини кўриб туради шоир. Унинг наздида дарёлар ухлаб оқадилар. У дарёларнинг уйқудан сесканиб туриб, чуқур-чуқур чўккан ғамларини қирғоқларга чиқариб ташлашларини истайди. Тоғларнинг уйғониб, дард айтиб, бағир бўшатишларини хоҳлайди. Ўшанда бу қора дунёнинг ранги очилармиди, ҳаёт ўшандагина камалак рангида сайраб юборармиди, кўнгиллари бўшалгач, еру осмон топишиб кетармиди, деб дарвешона ўйлар қилади у!”¹

Бу парчада ҳам муаллиф истиора, ташбеҳ, сифатлаш, жонлантириш каби санъатлардан фойдаланади. “сабр тошлари”, “бағир”, “қора дунё” кабилар истиора бўлса, “мажрух бўлган бағир”, “ўркач-ўркач андуҳлар”, “сирли сандиқлар” каби ташбеҳлар, дарёларнинг уйғониши, уларнинг ранги очилиши, ҳаётнинг сайраши, еру осмоннинг топишиши эса жонлантириш дейиш мумкин.

Китобдаги охириги эсселардан бири “Тўлқин Йўлдош” деб номланган ва адибанинг курсдош дўстига бағишланган бўлса, яна бир эссе халқимизнинг севимли шоира ва адибаси Саида Зуннуновага бағишланади. Ушбу шоиранинг шеърятини муаллиф “муаттар шеърят” деб номлайди. Бу шеърят ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади:

“... Бир шоир сифатида шунисига қойилманки, биргина гул тушунчаси юз жойда юз хил тараннум этилади, юз хил кайфият суратини чизади. “Арик бўйидаги камтар гулсафсар”га шоира билан бирга ихлос изҳор этсангиз,

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. 341-бет

“атиргулларнинг юзидаги кулдиргич”ни кўриб, танангиз яйрайди. “Райҳонга рашк қилган гулни” фақат шу шеърларда учратасиз”¹...

Бадиа давомида муаллиф шоиранинг шеърларида гул образининг ранг-баранг шаклларда келишига кўплаб мисоллар келтириш орқали ушбу ижодкорнинг бадиий маҳоратини кўрсатиб беради.

Китобнинг сўнгги мақоласи “Ўзлик садоси” деб номланади. Унда муаллиф Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг “Бизким, ўзбеклар...” асарини ўқиб таъсирланганлигини, унда ўзлик ва миллат тушунчаларига ўзига хос ёндашилганлигига алоҳида аҳамият қаратилган.

Умуман, Турсуной Содикованинг “Шоира публицистикасида бадииятнинг ўрни» масаласи юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Т.Содикованинг публицистик асарларида, хусусан, эсселарида ўзига хос шоирона услуб қўлланилган;
2. Эсселарнинг мавзулари ҳам ранг-баранг, қаҳрамонлари турли хил инсонлар бўлиб, ҳар бир бадиа уларнинг характер-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёзилган;
3. Эссе қаҳрамонлари ифодасида бадиий тасвир воситалари ўринли қўлланилган. Буларга ташбеҳ, истиора, сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш кабиларни киритиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Турсуной Содикованинг эсселари бадиий жиҳатдан мукамал ва китобхонни зериктирмайдиган қилиб ёзилган асарлардир.

¹Ўша китоб, 388-бет.

Хулоса

Турсуной Содикованинг бадийий публицистикаси адабиётшуносликда ҳали атрофлича ўрганилмаган мавзулардан бўлиб, ушбу мавзуни ўрганиш бугунги долзарб муаммолардандир.

«Адабиёт – абадиятга даъвогар. Адиб бетизгин вақтни тизгинлашга уринадиган зот. У тарихчидан фарқ қилароқ, замон ҳақида ахборот, маълумот бермайди. Билъакс, вақтни, одам умрининг бирор қисмини ҳиссиёту сезимлари билан тасвирга муҳрлаб тўхтатиб қўяди»¹.

Ҳозирги ўзбек бадийий публицистикаси ҳам худди шундай тизгинсиз жараёни ўз бошидан ўтказмоқда. Шунга кўра сўнгги даврда яратилган эсселарнинг аксариятида ҳиссиёт ва сезимларнинг тасвирга муҳрлаб туширилиши ҳодисаси кузатилмоқда. Бу даврда кўплаб катта-кичик эсселар матбуот ва нашрларда чоп этилган. Ҳозирги ўзбек эссенавислигида жанр специфик хусусиятларига тўлақонли жавоб берадиган мақолалар сирасига кирувчи адиба ва шоира Турсуной Содикова қаламига мансублари ҳақида юқорида айрим мулоҳазалар билдирилди, бир неча эссени таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг биринчи боби «Турсуной Содикова публицистикасида муаллиф образи талини» деб номланиб, унда адибанинг беш томлик «Танланган асарлар»и таркибига кирувчи ҳикмат шаклидаги мақолалари, маънавий-маърифий масалалардаги мулоҳазалари, уларнинг мавзулар кўлами

¹Қ.Йўлдош. Ўзбек насри уфклари. («Ёник сўз» китоби) , Т., Янгиаср авлоди, 2006, 35-бет.

каби масалалар ўрганилди. Ҳикматларнинг юзага келиш сабаблари, бунда шоира шахсияти билан боғлиқ хусусиятлар масаласи ҳам кўриб чиқилди. Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу бобдапублицистик асарларда инсон маънавияти масаласи ҳамда муаллиф образининг очилишида ҳаётий асоснинг аҳамияти каби жиҳатлар ҳам ўрганилди.

«Адиба асосий эътиборини бугуннинг долзарб маънавий муаммоларига қаратади, умуман, инсон руҳиятини, хусусан, бугунги замондошларимиз, яъни ёшлар тарбияси учун зарур муаммоларни кўтариб чиқади, уларни ёритиш баробарида бу масалаларга ўзининг фаол муносабатини билдиради»¹.

Юқоридаги тадқиқотнинг 1-бобида адиба асарларининг айнан мана шу жиҳатларига эътибор қаратилди. Академик Бахтиёр Назаров фикрларида адибанинг характеридаги чизгилар асарларида ҳам акс этганлиги ҳақидаги мулоҳазалар ҳам мавжуд:

«Адибанинг мушоҳада юритиш тарзи ҳақида сўз борар экан, улардаги миллийликни, гўзалликни, табиатнинг жон-жонига сингиб кетган ўзбек аёлларига хос жозиба ва ҳалолликни керак бўлганда куйиб, керак бўлганда суйиб, гоҳ ўзи эркалатиб гапиришини, ҳазил-мутойиба ва шаддодлик уйғунлигини, зарур бўлганда фикрнинг шартта ва лўнда, айти киндигидан кесишини ҳамда энг асосийси мулоҳазаларга ром қилиб, сизни ўзига эргаштириб олишини таъкидламаслик мумкин эмас. Насрдаги адиба услубини белгиловчи хусусиятлар мана шу омиллар замиридан ўсиб чиқади»².

Дарҳақиқат, адиба услубидаги ўзига хослик юқорида санаб ўтилган ўзбекона нафосат, ҳалоллик мезонларини устун қўйиш, эркалаб ёки ачитиб гапириш, баъзан ҳазил қилиш, баъзан куюниб, дил-дилидан ўртаб сўзлаш кабиларда кўринади.

¹Турсуной Содикова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 1-китоб – Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар. –Т., Ўзбекистон, 2013. 17-бет.

²Ўша манба, 20-бет.

Битирув малакавий ишининг иккинчи боби «Шоира публицистикасида бадииятнинг ўрни» деб номланади. Унда Турсуной Содикованинг эсселарида бадиият масаласи ундаги образлилик ва бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши юзасидан кўриб чиқилган. Ушбу боб публицистик асарларда услуб масаласи ва маънавий-ахлоқий қарашлар ифодасида бадиий тасвир воситаларнинг қўлланилиши каби жиҳатлар кўриб чиқилганлиги билан аҳамиятли.

“Ижод жараёнида санъаткорнинг диққат марказида турадиган предметлардан бири – инсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишдир. Томчида қуёш акс этганидек, бадиий асарда инсон ҳаётининг конкрет манзаралари, индивидуал белгилари орқали ҳаётдан олинган умумлашмалар ифодаланади”¹. Турсуной Содикова ҳаминсоннинг шахс сифатидаги конкрет хусусиятларини, индивидуал белгиларини кўрсатишда юксак маҳорат соҳибасидир.

Бу бобда шоиранинг «Танланган асарлар»нинг 5-жилди таркибига кирувчи «Турғун Алиматовни ёд этиб», «Устоз Саид Аҳмад ака», «Устоз Ғайбулло ас-Салом», «Эркин Воҳидовни ўқиб», «Муҳаммад Юсуф» каби элимизнинг машҳур санъаткорлари, шоир ва ёзувчилари ҳақидаги эсселари ҳамда адибанинг ўз яқинлари, хусусан, отаси, онаси, турмуш ўртоғи дўсту дугоналари ҳақидаги эсселари таҳлилга тортилган.

Юқоридаги боблар юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Турсуной Содикованинг публицистик асарларида инсон маънавияти масаласи биринчи ўринда туради, адибанинг ҳикматларида бунга алоҳида урғу берилади. Асарларда маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларнинг ўзига хос ечимлари ҳам кўрсатилган.
2. Т.Содикова публицистик асарлари ҳаётдан олинган ва бадиийлаштирилган ҳикматлардан иборат бўлгани учун улар ўзининг

¹Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент. Ўзбекистон. 2002. – Б.47.

кўп сонли мухлисларига эга ва кўпчиликнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсата билганлиги билан ажралиб туради.

3. Т.Содиқова асарларида муаллиф образининг очилишида ҳаётий асоснинг аҳамияти жуда катта. Адиба шажараси, оилавий муҳити, атрофидаги ижтимоий ҳаёт, ҳамиша шоир ва адиблар билан мулоқотга киришишга уриниши, бағрикенглиги каби хислатлари адибанинг муваффақиятини асослайди.
4. Адиба услубидаги ўзига хослик ўзбекона нафосат, ҳалоллик мезонларини устун қўйиш, эркалаб ёки ачитиб гапириш, баъзан ҳазил қилиш, баъзан куюниб, дил-дилидан ўртаб сўзлаш кабиларда кўринади.
5. Т.Содиқованинг публицистик асарларида, хусусан, эсселарида ўзига хос шоирона услуб қўлланилган. Эсселарнинг мавзулари ҳам ранг-баранг, қаҳрамонлари турли хил инсонлар бўлиб, ҳар бир мақола уларнинг характер-хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёритилишига эришилган.
6. Эссе қаҳрамонлари ифодасида бадиий тасвир воситалари ўринли қўлланилган. Буларга ташбеҳ, истиора, сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш кабилар шулар жумласидан.

Хулоса қилиб айтганимизда, Турсуной Содиқованинг публицистик асарлари истиқлол туфайли бахтга эришган, миллатнинг комил фарзандлари ҳамда мустаҳкам оила муҳитини шакллантиришга қаратилган асарлардир. Уларнинг муваффақияти ҳам айнан шунда. Шарқ адабиёти тарбияга асосий аҳамият қаратишини ҳисобга олган ҳолда ўзбек насрида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг шу тарзда ёритилиши долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т., «Ўзбекистон», 2008.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Т., Ўзбекистон, 2002. – 559 б.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси -Т., Ўқитувчи, 1986, -407 б.
4. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т., Янги аср авлоди, 2006, -544 б.
5. Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т., Ўқитувчи, 1999, - 544 б.
6. Норматов У. Етуклик. -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й, -368 б.
7. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти, -Т., Янги аср авлоди, 2005, - 419 б.
8. Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 1-китоб. Гул фасли. Б.Назаров. Т.Содиқова ижодига бир назар(3-23-бетлар).–Т., Ўзбекистон, 2013. - 225 б.
9. Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 2-китоб – Дилдаги дур. –Т., Ўзбекистон, 2013. - 408 б.
10. Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 3-китоб – Ҳаёт тилсими. –Т., Ўзбекистон, 2013. – 350 б.
11. Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-китоб – Бахт қаерда... –Т., Ўзбекистон, 2013. - 494 б.
12. Турсуной Содиқова. Танланган асарлар. 5 жилдлик. 5-китоб – Умрим маёқлари. –Т., Ўзбекистон, 2013. – 391б.
13. Умиров У. Адабиёт назарияси Т., Шарқ, 2002, -254 б.
14. Тўраев Дамин. Янги ўзбек адабиёти. – Тошкент. Фан, 2008. – Б. 178.

15. Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. -Т., Ўқитувчи, 1979, -230 б.
16. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Т., ЎАЖБНТ, 2003. -361 б.
17. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т., Ўқитувчи, 1979,
18. www.e-adabiyot.uz.Биринчи рақамли воиз – Т.Содиқова. pg.1-4.
19. www.ziyouz.uz. Турсуной Содиқова. pg.1-3
20. www.literature.uz.pg.8.
21. www.kitob.uz.pg.1

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА ПУБЛИЦИСТИКАСИДА МУАЛЛИФ ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....	6
II БОБ. ШОИРА ПУБЛИЦИСТИКАСИДА БАДИИЯТНИНГ ЎРНИ.....	22
ХУЛОСА.....	45
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	49

